

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
МАЛАКА ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

**ОДАМ САВДОСИДАН ЖАБРЛАНГАНЛАРНИ
ИДЕНТИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ**

Амалий қўлланма

*(ИИОда одам савдосига қарши кураш фаолиятини амалга
оширувчи ходимлар учун методик тавсиялар)*

Тошкент-2025

**Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институтининг
Илмий кенгашида маъқулланган**

Муаллиф:

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институти
бошлигининг биринчи ўринбосари, полковник **У.Э. Расулов**

Тақризчилар:

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институти
Махсус касбий фанлар кафедраси бошлиғи, с.ф.д., профессор, подполковник
Ф.Ф. Хатамов

Республика “Истиқболли авлод” ижтимоий-ахборот
марказининг бошқарув раиси
И. Каримова

О-85 Одам савдосидан жабрланганларни идентификация қилиш:
Амалий қўлланма / У.Э.Расулов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ
Малака ошириш институти, 2025. – 52 бет.

Ушбу амалий қўлланма Одам савдосига қарши курашиш ва муносиб
мехнат масалалари бўйича миллий комиссиянинг томонидан тасдиқланган
**“Ўзбекистон Республикаси Одам савдосига қарши курашиш
Концепцияси”**ни ижросини таъминлаш мақсадида тайёрланган бўлиб, унда
одам савдосига қарши курашнинг хукуқий асослари, одам савдосидан
жабрланганларни идентификация ва уларни реабилитация қилиш масалалари
ёритилган.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти
тингловчилари, тадқиқотчи-изланувчилар, шунингдек, ички ишлар
органларининг амалиётчи ходимлари учун мўлжалланган.

К II

XXI асрнинг биринчи ўн йи... илм-фан, техника ва янги ахборот технологиялари ривожининг жадаллашуви, ахборот алмашуви тизимининг тубдан такомиллашганлиги билан инсоният тарихида ўзига хос янги давр – глобаллашув асрини бошлаб берди.

Бу жараёнда дунё мамлакатлари халқаро муносабатларда ялпи ва минтақавий хавфсизликни таъминлаш, иқтисодий ва ижтимоий, маданий ва ахборот, сиёсий ва хукуқий соҳаларда ҳамкорлик қилиш, умуминсоний қадриятлар билан миllib ўзига хос анъана ва қадриятларни ўйгунлаштиришга алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Бунинг натижаси ўлароқ, халқаро меҳнат тақсимоти жараёнлари фаоллашмоқда, фуқароларнинг меҳнат қилиш, таълим олиш, туризм ва шу каби турли мақсадларда бошқа давлатларга чиқиши, эркин фаолият олиб бориши учун имкониятлар янада кенгаймоқда.

Умумжаҳон миқёсдаги ижобий ўзгаришлар билан бир қаторда, афсуски, айрим трансмиллий жиноятларнинг ортиши ҳам яққол кузатилмоқда. Одам савдоси ҳам умумжаҳон миқёсидаги муаммолардандир.

Инсонни улуғлаш, унинг хукуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлаш асосий қадриятга айланган ушбу даврда бу мудҳиш иллат ноқонуний қурол савдоси, гиёҳвандлик воситаларининг ғайриқонуний муомаласи каби оғир оқибатларни келтириб чиқаради.

Одам савдоси – кўп киррали хавф ва инсон хукуқларига қарши жиддий жиноятдир. У одамлардан уларнинг хукуқлари ва эркинлигини тортиб олади, шахсий дахлсизлигига ҳамда уларнинг соғлигига бевосита хавф солади ҳамда бутун жаҳонда уюшган жиноятчиликнинг ўсишига сабаб бўлади.

Одам савдосидан жабрланганларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам кўрсатиш одам савдосига қарши кураш тизимининг ажralmas элементи ҳисобланади. Шу боис, Ўзбекистонда одам савдосига қарши кураш, унинг олдини олиш, сабабларини аниклаш, унга барҳам бериш, унинг оқибатларини минимал

даражага келтириш билан бир қаторда одам савдосидан жабрланганларга хуқукий, психологик ва тиббий ёрдам бериш долзарб масала ҳисобланади.

1 §. ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ ХАЛҚАРО ҲУҚУКИЙ АСОСЛАРИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги ҳуқукий хужжатлари

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Трансмиллий уюиган жиноятчиликка қарши Конвенцияси”ни тўлдирувчи “Одам савдосининг, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиши ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақидаги Баённомаси” (БМТнинг одам савдоси тўғрисидаги протоколи) одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги асосий халқаро ҳуқукий хужжатdir. У Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) Бош Ассамблеяси томонидан 2000 йил 15 ноябрдаги 55/25 резолюциясига мувофиқ қабул қилинган.

БМТнинг Одам савдоси тўғрисидаги протоколи муқаддима ва 30 та моддадан иборат. Муқаддимада «одамлар, айниқса, аёллар ва болаларнинг эксплуатациясига қарши кураш бўйича стандартлар ва амалий чора тадбирларни кўзда тутувчи бир қатор халқаро хужжатлар мавжуд бўлса-да, одам савдосининг барча жиҳатларини қамраб оловчи универсал хужжат йўқ» деб эътироф этилади. Шунингдек, муқаддимада – «одамлар, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича самарали чора-тадбирлардан келиб чиқиш, транзит ва бориш мамлакатларида, шу жумладан, одам савдосининг олдини олиш, иштирок этганларни жазолаш ва одам савдосидан жабрланганларни ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишни, шу жумладан, халқаро миқёсда тан олинган инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш орқали кенг қамровли халқаро ёндашувни талаб қиласди», дейилган.

БМТнинг Одам савдоси тўғрисидаги протоколининг мақсади аёллар ва болаларга алоҳида эътибор қаратган ҳолда одам савдосининг олдини олиш ва унга қарши курашиш; инсон ҳуқуқларини тўлиқ ҳурмат қилган ҳолда одам савдосидан жабрланганларни ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам бериш; ушбу мақсадларга эришишда иштирокчи давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни рағбатлантиришдир.

БМТнинг Одам савдоси тўғрисидаги протоколи БМТнинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясини тўлдиради. Шу сабабли, БМТнинг Одам савдоси тўғрисидаги протоколининг 1-моддасида таъкидланганидек, иккала хужжат ҳам биргаликда талқин қилиниши ва қўлланилиши керак. БМТнинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенцияси қоидалари БМТнинг Одам савдоси тўғрисидаги протоколини қўллаш билан бевосита боғлиқ, масалан:

- Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришни криминализация қилиш (6 ва 7-моддалар)
- Коррупцияни криминализация қилиш (8 ва 9-моддалар)
- Юридик шахсларнинг жавобгарлиги (10-модда)
- Жиноятдан олинган даромадларни мусодара қилиш, олиб қўйиш ва тасарруф этиш (12 ва 14-моддалар)
- Экстрадиция (16-модда)
- Махқумларни топшириш (17-модда)
- Ўзаро ҳуқуқий ёрдам (18-модда)
- Кўшма тергов ўтказиш (19-модда)
- Махсус тергов усуллари (20-модда)
- Жиноий иш юритишни топшириш (21-модда)
- Гувоҳларни ҳимоя қилиш (24-модда)
- Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ҳамкорлиги (27-модда) ва бошқалар.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг уюшган жиноятчиликка қарши Конвенцияси ва БМТнинг Одам савдоси тўғрисидаги протоколи иштирокчидавлатлар риоя қилишлари шарт бўлган минимал стандартларни белгилайди.

Одам савдосига ва учинчи шахслар томонидан танфурушиликдан фойдаланилишига қарши қурашии тўғрисидаги конвенция (БМТ Бош Ассамблеяси 317 (IV) сонли резолюцияси билан 1949 йил 2 декабрда қабул қилинган) давлатдан учинчи шахсларнинг танфурушлигидан фойдаланган ҳар қандай шахсни жазолашни талаб қиласди.

Қуллик тўғрисидаги конвенция (1926 йил 25 сентябрда Женевада имзоланган) қуллик тушунчасини белгилайди унга ва Кўшимча протокол эса «қулликка ўхшаш

холатлар» нималарда намоён бўлишини, шу жумладан, қарз учун қуллик ва никоҳ шароитида аёлларни камситувчи институтлар ва амалиётларни ёритади.

Айрим халқаро шартномаларда болаларга нисбатан алоҳида қоидалар мавжуд.

Бола хуқуқлари тўғрисидаги конвенция (БМТ Бош Ассамблеясининг 1989 йил 20 ноябрдаги 44/25 резолюцияси билан қабул қилинган) ва Бола хуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга (болалар савдоси, болалар фоҳишабозлиги ва болалар порнографиясига тааллуқли) Факультатив Протокол (БМТ Бош Ассамблеясининг 2000 йил 25 майдаги 54/263 резолюцияси билан қабул қилинган) болалар савдосини (сўзма сўз: болаларни «сотиши», болани ҳар қандай шахс ёки шахслар груҳи томонидан бошқа шахсга ёки шахслар груҳига тўлов ёки бошқа ҳақ эвазига ўтказиш) тақиқлайди.

Бола хуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг 39-моддасида давлатлардан фарзанд асраб олишни «ҳар қандай шаклдаги қаровсизлик, эксплуатация ёки зўравонлик қурбони бўлган боланинг жисмоний ва руҳий тикланишига ва ижтимоий реинтеграциясига ёрдам бериш учун барча зарур чоралар» кўриш талаб қилинади. Бола хуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг Болалар савдосига тааллуқли Факультатив Протоколида жабрланган болалар учун мавжуд бўлиши керак бўлган ҳимоя ва ёрдамнинг ўзига хос шакллари кўрсатилган (8-моддада санаб ўтилган).

Халқаро меҳнат ташкилотининг учта конвенцияси мажбурий меҳнат ва хизматлар масалаларига бағишлиланган: **Зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнат тўғрисидаги конвенция** (1930, № 29) ва 1930 йилдаги Мажбурий меҳнат конвенциясига зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнатни белгилайдиган Протокол (2014), **Мажбурий меҳнатни тугатиш тўғрисидаги конвенция** (1957, № 105) ва **Болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаши ва барҳам бериишга доир шошилинч чоралар тўғрисидаги конвенция** (1999, №182).

Одам савдоси тушунчаси БМТнинг Одам савдоси тўғрисидаги протоколида белгиланган. Протоколда жиноятнинг ушбу турини белгилаш билан бир қаторда давлатларнинг одам савдосининг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича мажбуриятлари ҳам кўрсатилган. «Одам савдоси» – куч ишлатиш билан таҳдид қилиш ёки ишлатиш ёки мажбурлашнинг бошқа шакллари, ўғирлаш, фирибгарлик, алдаш,

мавқени суиистеъмол қилиш орқали ёки заиф ҳолатидан фойдаланиб эксплуатация қилиш мақсадида, ёки бошқа шахсни назорат қилувчи шахснинг розилигини олиш учун пора, тўловлар ёки имтиёзлар орқали одамни ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилишдир. Эксплуатация, ҳеч бўлмагандан, учинчи шахсларнинг танфурушлигидан фойдаланиш ёки шаҳвоний эксплуатациянинг бошқа шакллари, мажбурий меҳнат ёки хизматлар, қуллик ёки қулликка ўхшаш одатлар, одам аъзолари ёки тўқималари олинишини англатади (БМТнинг Одам савдоси тўғрисидаги протоколи 3-а моддаси).

Одам савдоси мураккаб жиноят бўлиб, учта таркибий қисмга ажратилади: жиноий қилмиш, таъсир қилиш усули ва эксплуатация мақсади. Одам савдоси сифатида квалификация қилиш учун жадвалда келтирилган муқобил элементлар рўйхатидан камида битта жиноий қилмиш, бигта таъсир қилиш усули ва эксплуатация мақсадини аниқлаш ва исботлаш керак.

Одам савдосининг таркибий қисмлари

Жиноий қилмиш нима?	Ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш, қабул қилиш
Таъсир қилиш усули қандай?	Таҳдид, куч ишлатиш ёки мажбурлашнинг бошқа шакллари, ўғирлаш, фирибагарлик, алдаш, ваколатни суиистеъмол қилиш орқали ёки ноchor ҳолатдан фойдаланиб эксплуатация қилиш мақсадида пора бериш, тўловлар ёки имтиёзлар бериш йўли билан бошқа шахс устидан назоратга эга бўлган шахснинг розилигини олиш
Эксплуатация мақсади нима учун?	бошқа шахслар фоҳишабозлиги, шаҳвоний эксплуатациянинг бошқа шакллари, мажбурий меҳнат ёки хизматлар, қуллик ёки қулликка ўхшаш одатлар, одам аъзолари ёки тўқималари олиниши, бошқа шакллар

Уч элементнинг ҳар бири (жиноий қилмиш, таъсир қилиш усули, эксплуатация мақсади) мажбурийдир. Ҳар бир элемент ичидағи рўйхат муқобил танловни ифодалайди.

Одам савдоси ҳолатида муқобил жиноий қилмишлардан бирини аниқлаш ва исботлаш кифоя:

- ёллаш

- ташиш
- топшириш, яшириш
- қабул қилиш.

«Ёллаш» деганда одамни ҳар қандай жараёнга жалб қилиш тушуnilади, у турли йўллар билан, шу жумладан, оғзаки, реклама орқали ёки Интернет орқали онлайн тарзда амалга оширилиши мумкин. Трансмиллий ҳолатларда ёллаш келиб чиқиш, транзит ёки З-мамлакатда, масалан, расмий ёки яrim расмий хусусий ишга ёллаш агентликлари орқали амалга оширилиши мумкин¹.

«Ташиш» деганда ташувчининг қуруқлиқда, денгизда ёки ҳавода ҳар қандай транспорт воситаси ёки турларидан фойдаланган ҳолда ҳаракатлари тушуnilади. Ташиш қисқа ёки узоқ масофаларга, бир мамлакат ичида ёки давлат чегаралари орқали амалга оширилиши мумкин².

«Топшириш», шунингдек, одамни жўнатишни англатиши мумкин, аммо бу шахс устидан ҳақиқий бошқарувини бошқа шахсга ўтказишни ҳам англатиши мумкин. Бу, айниқса, одамлар (асосан оила аъзолари) устидан назорат бошқа одамларга ўтказилиши мумкин бўлган баъзи маданий урф-одатларда жуда муҳимdir³.

Турли юрисдикцияларда «яшириш» турлича тушунилиши мумкин, маса-лан, шахсни келиб чиқиш, транзит ёки учинчи мамлакатга эксплуатация қилишдан олдин ёки жойига жойлаштириш ёки шахснинг турган жойини яшириш чораларини кўриш. Яшириш одамни ушлаб туришни ҳам англатиши мумкин⁴.

Одамни «қабул қилиш» «топшириш» билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, одамнинг етиб келиши, бирор кишини белгиланган жойга кутиб олишни ёки шахс устидан назоратни қўлга киритишни англатиши мумкин. Шунингдек, у одамларни, шу жумладан, мажбурий меҳнатни ҳам қамраб олиши мумкин. Қабул қилиш, шунингдек, авлодлараро эрксизлик шароити ёки мақбул меҳнат шароитларини мажбурлаб

¹ UNODC, Legislative Guide for the Implementation of the Protocol to Prevent, Suppress and Punish Trafficking in Persons, especially Women and Children (2020) 29.

² Юкоридаги хужжатда

³ Юкоридаги хужжатда

⁴ Юкоридаги хужжатда

эксплуатация қилишга ўзгартериш каби олдинги жараён бўлмаган ҳолатларга ҳам тегишли бўлиши мумкин⁵.

Таъсир қилиш усули. Ушбу жиноятнинг зарурий белгиси жабрланувчининг иродасини сўндириш, уни назорат қилиш ва эксплуатация қилиш учун жабрланувчига ғаразли таъсир қўрсатиш билан боғлиқ шахснинг эркинлигини поймол қилишдир. Муқобил жиноий қилмиш шахснинг иродасига таъсир қилишнинг қуидаги муқобил усулларидан камида биттаси ёрдамида содир этилиши керак:

1) *куч ишлатилиши таҳдиодлари ёки қучдан фойдаланиши ёки мажбурлашнинг бошқа шакллари* («Таҳдиодлар» жисмоний, психологик, ҳиссий ёки иқтисодий оқибатлар билан боғлиқ бўлиши мумкин. Шуни таъкидлаш керакки, таърифда таҳдид ёки куч йўналтирилган (ёки унга қарши қаратилган) шахс (ёки мулк) ҳақида ҳеч нарса айтилмаган. Бу одам савдосидан жабрланган ёки худди шундай учинчи томон бўлиши мумкин. «Мажбурлашнинг бошқа шакллари» атамаси келтирилмаган, аммо ушбу атаманинг талқини ички қонунчиликка боғлиқ бўлиши мумкин. Буларга, масалан, шантаж, товламачилик ва бошқа асоссиз талаблар киради. Умуман олганда, мажбурлаш деганда жисмоний ёки руҳий босим, куч ишлатиш ёки уни қўллаш билан таҳдид қилишни ўз ичига олган мураккаб атама сифатида тушуниш мумкин);

2) *ўғирлаш* («Одам ўғирлаш» атамасини киднеппинг (одам ўғирлаш) деб талқин қилиш мумкин. Одам ўғирлаш учун унинг иродасига қарши хибсга олинганлиги тўғрисида далиллар талаб қилиниши мумкин. Одам ўғирлаш деганда шахсни ноқонуний ушлаб туриш ёки унинг эркинлигини бошқа йўл билан чеклаш тушунилиши мумкин. Кўпинча бу таҳдид қилиш ёки куч ишлатиш билан боғлиқ; амалда бир вақтнинг ўзида турли хил таъсир усулларини қўллаш мумкин);

3) *фирибгарлик ва алдов* (Баъзи контекстларда «фирибгарлик» ва «алдаш» атамалари синонимдир. Бироқ, баъзи хуқуқий тизимларда бу атамалар ўртасида фарқлар мавжуд. Алдаш деганда ҳақиқий ҳолатларни қасдан яшириш ёки бузиб қўрсатишни тушуниш мумкин. Бошқа томондан, фирибгарлик алданувчини мулкини ёки мулкка бўлган хуқукини қўлга киритиш мақсадида алдашни англатади. Фирибгарлик ва алдаш остида одам савдоси контекстида кўпинча одам савдосидан

⁵ UNODC, Legislative Guide for the Implementation of the Protocol to Prevent, Suppress and Punish Trafficking in Persons, especially Women and Children (2020) 30–33.

жабрланганлар қабул қилинадиган ишнинг моҳияти, иш жойи, якуний иш берувчи, яшаш ва меҳнат шароитлари, борадиган мамлакатлардаги ҳуқуқий мақом, саёҳат шартлари ва бошқалар тўғрисида янглиширувчи маълумотларни беришни ўз ичига олади. Кўп ҳолларда фирибгарлик ва алдаш таҳдид, зўравонлик ёки мажбуурлаш билан биргалиқда қўлланилади. Алдашнинг объектив томони нафакат ҳаракат, балки ҳаракатсизликда ҳам намоён бўлади);

4) **Шахснинг ночор аҳволидан (заифлигидан) фойдаланиши** («Заифлик» деганда шахснинг турмуш шароитини шакллантирувчи муҳитнинг ижтимоий, маданий, иқтисодий, сиёсий ва экологик омилларнинг мураккаб ўзаро таъсирининг шахсга салбий таъсири натижасида юзага келадиган ҳолат сифатида таърифлаш мумкин. Демак, заифлик статик мутлақ ҳолат эмас, балки муҳитга, шунингдек, шахснинг унга жавоб бериш қобилиятига қараб ўзгариб турадиган ҳолатдир. Шунинг учун заифликни баҳолашда инсон ҳаётининг яшаш шароитларини, шунингдек, унга ўзини ташки таъсирларнинг салбий жиҳатидан ҳимоя қилишга имкон берадиган мослашиш механизmlарини ҳисобга олиш керак. **Шахснинг ночор аҳволидан фойдаланиш** иккита компонентни ўз ичига олади: жабрланувчининг заиф ҳолати мавжудлигини исботлаш ва ушбу заифликни суиистеъмол қилиниши ҳолати исботи. Заифликнинг мавжудлиги, тахмин қилинаётган жабрланувчининг шахсий шароити, вазияти ёки билвосита вазиятини ҳисобга олган ҳолда, ҳар бир ҳолатни алоҳида баҳолаш – баҳолашнинг энг яхши усули ҳисобланади. Масалан, шахсий заифлик инсоннинг жисмоний ёки руҳий хусусиятлари билан боғлиқ бўлиши мумкин. Вазиятдаги заифлик, шахснинг ижтимоий ёки лингвистик жиҳатдан изоляция қилинган бошқа мамлакатда ноқонуний бўлиши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Билвосита заифлик ишсизлик ёки иқтисодий ночорлик билан боғлиқ бўлиши мумкин)

5) **мавқени суиистеъмол қилиши** («Мавқени суиистеъмол қилиш» тушунчаси шахснинг ўзаро муносабатларининг хусусиятига қўра, бошқа шахс устидан устунликка эга бўлган ҳолат сифатида талқин қилинади (масалан, иш берувчи ва ходим, ўқитувчи ва талаба, мураббий ва спортчи). Бу, шунингдек, айрим ҳуқуқий тизимларда оиласда эркакнинг аёл устидан устунликка эга бўлган ҳолатларни,

шунингдек, ота-оналарнинг фарзандлари устидан бўлиши мумкин бўлган устунликни ҳам ўз ичига олиши мумкин);

б) бошқа шахс устидан назоратга эга бўлган шахснинг розилигини олиши учун тўловлар ёки имтиёзлар берииш шаклида оғдириб олиши («Бошқа шахс устидан назоратга эга бўлиш» тушунчаси далиллар бўйича аниқланиши мумкин. Масалан, васий болани, кўрикчи маҳбусни ёки ўғри жабрланувчини назорат қилиши мумкин. Фойда тақдим этиш жабрланувчи устидан назорат қилувчи шахснинг розилигини олиш шарти билан амалга оширилиши керак; масалан, васийларга болани эксплуатация қилиш мақсадида ташиш учун пул суммасини тўлаш. Бундан ташқари, давлат органлари ўз назорати остидаги шахсларни одам савдоси билан шуғулланувчиларга топшириш эвазига молиявий компенсация ёки бошқа имтиёзларни қабул қилган ҳолатлар мавжуд).

Таъсир қилиш усулларининг таърифлари БМТ ГМЖББ томонидан ишлаб чиқилган «Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансмилий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясини тўлдирувчи «айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақидаги протоколини қўллаш» бўйича конвенциясини тўлдирувчи» материалида батафсил мухокама қилинади.

Эксплуатация мақсади. Одам савдосининг учинчи таркибий элементи – бу ҳаракатлар содир этиш дан мақсад, яъни эксплуатация. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Одам савдосига қарши Протоколининг 3(а)-моддасида эксплуатацияни ташкил этувчи мисолларнинг тўлиқ бўлмаган рўйхати келтирилган:

«Эксплуатация, камида, учинчи шахсларнинг фоҳишабозликдан фойдаланиш ёки шаҳвоний эксплуатациянинг бошқа шакллари, мажбурий меҳнат ёки хизматлар, қуллик ёки қулликка ўхшаш анъаналар, эрксизлик ҳолати ёки тана аъзоларини кесиб олишни ўз ичига олади». Юқоридаги рўйхат тўлиқ бўлмаганлиги сабабли, БМТнинг Одам савдоси тўғрисидаги протоколи доирасида эксплуатациянинг янги ёки камроқ тарқалган шаклларини, масалан, тиланчиликдан фойдаланиш, жиноий фаолият ва бошқаларни киритиш мумкин. (жадвалга қаранг).

БМТнинг Одам савдоси тўғрисидаги протоколида назарда тутилган одам савдосининг бошқа мисоллари

1.	Мажбурий никоҳлар Протоколнинг одам савдоси таърифига мос келадиган ҳаракат, усул ва мақсадни ўз ичига олиши мумкин. Бунда ҳаракат тегишли шахсни топшириш ёки қабул қилиш; усули эса куч ишлатиш, таҳдидлар, мажбурлаш ёки ўғирлаш; мақсади эса шахвоний эксплуатация ва/ёки қуллик бўлиши мумкин
2.	Айрим доираларда (жамоалар) оила аъзоларидан бири жиноят содир этса, «айбдор»нинг оиласидан бўлган ёш аёл жиноятни «каффорат қилиш» учун руҳоний ёки жабрланувчининг оила аъзолари билан қулликда яшашга юборилади. Бунда ҳаракат қабул қилиш ёки яшириш; усул мажбурлаш, мавқени суиистеъмол қилиш ёки заифлиги ҳолатидан фойдаланиш; мақсад шахвоний ёки меҳнат эксплуатацияси, қуллик ёки эрксиз ҳолати бўлиши мумкин
3.	Хизматчиларни кўпинча дипломатик ходимлар ёллашади. Дунёning турли мамлакатларида бир қатор ҳолатларда хизматчиларнинг бир қисми ёлланади ва уйда хўжалик ишларини қилишга мажбурланади
4.	Қуролли можаролар пайтида болалар ва катталарни мажбурий ўғирлаш ва ҳарбий хизматга жалб қилиш ҳам одам савдоси жинояти сифатида жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин
5.	Болалар, айниқса, қуролли кучларга ёлланишда руҳий ва жисмоний норасидаликлари туфайли заиф ҳисобланади. Бунда ҳаракат болани ёки катталарни ёллаш, ташиш ёки қабул қилиш; усул (катталар учун) куч ишлатиш ёки таҳдид қилиш ёки заифлик ҳолатини суиистеъмол қилиш ва мақсад қуллик, мажбурий меҳнат ёки шахвоний эксплуатация бўлиши мумкин
6.	Айрим, айниқса, фарзандликка олишнинг ноқонуний шакллари тобора кенг тарқалган, болаларни асраб олиш бозорлари аллақачон мавжуд бўлган мамлакатларда одам савдоси жинояти сифатида жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин. Болалар ўз оналаридан мажбурий равишида ажратилиши мумкин, кейинчалик улар ноқонуний шартномалар тузиш учун фойдаланиладиган шаклларни имзолашга мажбур бўладилар. Бунда ҳаракат болани ташиш ёки қабул қилиш ва мақсад қуллик ёки шахвоний эксплуатация бўлиши мумкин.

Эксплуатация турли йўллар билан намоён бўлиши мумкинлиги сабабли уни аниқлаш қийин бўлади. Шунинг учун эксплуатация нима эканлигини аниқлаш масаласига ҳар томонлама ёндашиш керак. Шу билан бирга, қонунийлик принципига риоя қилишнинг аниқ йўналишларини белгилаш, шунингдек, одам савдосига қарши жиноий-хукукий чоралар оғир қилмишларга қаратилганлигини етарли даражада таъминлаш зарур.

Жиноят хукуқида *mens rea* стандарти сифатида «мақсад билан» ибораси билишини ёки ниятни англатиши мумкин. Демак, жиноят таркибини аниқлаш учун айбланувчининг тақиқланган қилмишни жабрланувчидан фойдаланиш ниятида ёки унинг эксплуатация қилинишини билиб содир этганлиги етарли далилдир. Бу шуни англатадики, айбланувчи жабрланувчини эксплуатация қилувчи шахс бўлиши шарт эмас. Бу ҳам одам савдоси жиноятида ҳақиқий эксплуатация талаб қилинмаслигини, балки эксплуатация қилиш мақсади бўлғанлиги етарли эканлигини билдиради. Одам савдоси – алоҳида ёки маҳсус қасд билан қилинадиган жиноятдир (*dolus specialis*).

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансмиллий уошган жиноят- чиликка қарши конвенциясини тўлдирувчи «Одам савдоси, айниқса аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш, уни чеклаш ва унинг учун жазо тайинлаш тўғрисида»ги Протоколнинг 3(б) бандига мувофиқ, агар таъсир қилиш усусларидан бирортаси қўлланилган бўлса, одам савдосидан жабрланганнинг режалаштирилган эксплуатацияга розилиги ҳисобга олинмайди.

Одам савдосидан жабрланганлар улардан фойдаланишга рози бўлишлари мумкин, аммо уларнинг розилиги аҳамиятга эга эмас, агар у таъсир қилиш усусларидан бири ёрдамида олинган бўлса, шунингдек, жабрланувчи ёш бола бўлган ҳолатда ҳам бу муҳим эмас, чунки бу ҳолда таъсир қилиш фактини аниқлаш ҳам шарт эмас.

Муайян вазиятнинг одам савдоси эканлигини аниқлашда БМТнинг Одам савдоси тўғрисидаги протоколида келтирилган таърифга ва тегишли ички қонунчиликда белгиланган жиноят таркиби элементларига таяниб баҳо берилиши лозим.

Одам савдоси ва мигрантларни ноқонуний олиб киришни фарқлаш.

Одам савдоси ва мигрантларни ноқонуний олиб кириш турли жиноятлардир. Одам савдоси шахсга қарши жиноят ҳисобланиб, инсон эркинлигини поймол этса, мигрантларни олиб кириш давлатга қарши жиноят ҳисобланади.

Одам савдоси ва мигрантларни ноқонуний олиб киришни фарқлаш икки сабабга кўра муҳим: биринчидан, тегишли жиноятларнинг таркибий элементлари ҳар

хил; иккинчидан, хукуқбузарликка қараб, ҳокимиятдан турлича муносабат билдириш талаб этилади.

«Мигрантларни ноқонуний олиб кириш» тұғридан-тұғри ёки билвосита ҳар қандай молиявий ёки бошқа моддий манфаат олиш мақсадида унинг фуқароси ёки резиденти бўлмаган ҳар қандай шахснинг Иштирокчи Давлатга ноқонуний киришини таъминлашни англатади» (З а-модда). Бош Ассамблеяning 2000 йил 15 ноябрдаги 55/25-сон резолюцияси билан қабул қилинган Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши БМТ конвенциясини тўлдирувчи мигрантларнинг қуруқлиқ, денгиз ва ҳаво орқали олиб ўтишга қарши Протокол (БМТнинг мигрантларни ноқонуний олиб киришга қарши протоколи).

БМТнинг мигрантларни ноқонуний олиб киришга қарши баённомасининг З-моддасида мигрантларни ноқонуний олиб кириш қўйидаги элементлардан иборатлиги қайд этилган:

- шахснинг ноқонуний киришини таъминлаш;
- бошқа давлатга;
- ҳар қандай молиявий ёки бошқа моддий манфаат олиш мақсадида.

З-модданинг б бандида қўшимча равишда «ноқонуний кириш» деганда қабул қилувчи давлатга қонуний кириш учун зарур бўлган талабларга жавоб бермасдан давлат чегараларини кесиб ўтиш тушунилади.

Амалда одам савдоси ва мигрантларни ноқонуний олиб киришни фарқлашда муаммолар мавжуд. Кўпинча одам савдосидан жабрланганлар – ноқонуний киритилган мигрантлардир. Шунинг учун жиноят ишлари бўйича амалиётчилар учун одам савдосига қарши кураш бўйича қўлланмада таъкидланганидек, мигрантларни ноқонуний киритилишига оид ишларни тергов қилаётганлар одам савдоси жиноятидан хабардор бўлишлари муҳимдир. Агар одам савдоси иши мигрантларни ноқонуний олиб киришга оид иш сифатида кўрилса, бу жабрланувчи учун даҳшатли оқибатларга олиб келиши мумкин. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Одам савдоси протоколи ноқонуний муҳожирларга кўрсатилганидан кўра, одам савдосидан жабрланганларга кўпроқ ёрдам ва ҳимояни таъминлайди. Ноқонуний олиб кириш

учун белгиланган жазо, одатда, одам савдоси учун белгиланган жазога нисбатан енгилдир.

Мигрантларни ноқонуний олиб кириш, гарчи қўпинча хавфли ёки номувофиқ шароитларда амалга оширилган бўлса-да, ноқонуний олиб киришга рози бўлган муҳожирларни ўз ичига олади. Бошқа томондан, одам савдосидан жабрланганлар ҳеч қачон рози бўлмаган ёки дастлаб рози бўлган бўлса, уларга нисбатан мажбурлаш воситалари қўлланилганидан сўнг уларнинг берган дастлабки розилиги аҳамиятга эга бўлмайди. Болалар ёши туфайли заиф ҳисобланганлиги сабабли, уларга нисбатан мажбуров қўлланилган ёки қўлланилмаганидан қатъи назар уларнинг розилиги аҳамиятга эга эмас.

Мигрантларни ноқонуний олиб кириш муҳожирлар белгиланган манзилга етиб келганида тугайди, одам савдоси эса жабрланувчини кейинги эксплуатация қилишни ўз ичига олади. Амалий нуқтаи назардан, одам савдосидан жабрланганлар ноқонуний олиб кирилган мигрантларга қараганда кўпроқ азоб чекишади ва улар қайта виктимизациядан кўпроқ ҳимояга муҳтоҷ бўлишади.

Мигрантларни ноқонуний олиб кириш ҳар доим трансмиллий жиноят бўлиб, одам савдоси эса трансмиллий хусусиятга эга бўлмаслиги мумкин. Одам савдоси жабрланувчилар бошқа давлатга жўнатилган ёки айнан шу давлат ичидан бир жойдан иккинчи жойга кўчирилганидан қатъи назар содир бўлиши мумкин.

Одам савдоси ва мигрантларни ноқонуний олиб кириш ўртасидаги асосий фарқлар

	Мигрантларни ноқонуний олиб кириш	Одам савдоси
География	Ноқонуний олиб кириш ҳар доим халқаро чегараларни кесиб ўтишни ўз ичига олади. Бу трансмиллий жиноятдир.	Одам савдоси факат бир давлат чегараларида ёки трансмиллий миқёсда содир бўлиши мумкин.
Мақсад	Мигрантларни ноқонуний ўтказувчилар «молиявий ёки моддий манфаат» олиш мақсадида ҳаракат қиласидилар.	Одам савдосининг мақсади жабрланувчини эксплуатация қилишдир.
Розилик	Розилик мигрантларни ноқонуний олиб кириш таърифининг элементи эмас. Шуни таъкидлаш керакки, амалда ноқонуний олиб кирилган мигрантлар, одатда, шунга ўzlари рози бўлишади.	Одам савдосидан жабрланганлар ҳаракат ёки эксплуатацияга рози бўлишлари мумкин, аммо воситалардан фойдаланиша шахснинг розилиги аҳамиятга эга эмас.

Эксплуатация	Эксплуатация мигрантларни ноқонуний олиб киришнинг элементи эмас. Ноқонуний ташувчилар мигрантларни эксплуатация қиласидиган бўлса, бу айни оғирлаштирувчи ноқонуний ташиш ёки баъзи ҳолларда одам савдоси билан боғлиқ бўлиши мумкин.	Эксплуатация одам савдосининг мақсадли элементидир.
Манфаат	Манфаат («молиявий ёки бошқа моддий манфаат») мигрантларни ноқонуний олиб киришнинг мақсадли элементи ҳисобланади. Манфаат мигрантларни ноқонуний олиб кирувчи шахслар учун хизмат кўрсатиш (чегарани ноқонуний кесиб ўтиш, тураг жой ёки хужжатлар билан боғлиқ фирибгарлик содир қилиш) билан таъминланади.	Шуни таъкидлаш керакки, амалда одам савдоси билан шуғулла-нувчи шахслар жабрланувчини эксплуатация қилиш орқали фойда олишга интилади.
Жабрдийдалар	Мигрантларни ноқонуний олиб киришга қарши баёнотга кўра, ноқонуний олиб кирилган мигрантлар «жабрланувчилар» ҳисобланмайди. Баёнотда «жабрланувчи» атамаси ишлатилмаган бўлса-да, улар ўз ҳаёти ва хавфсизлиги хавф остида бўлган ёки уларга нисбатан гайри-инсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомалага, шу жумладан, эксплуатацияга дучор бўлган ноқонуний олиб кириш жиноятининг оғирлаштирувчи ҳолатларида жиноят курбони ҳисобланиши мумкин.	Одам савдосидан жабрланган шахслар одам савдоси жинояти курбони ҳисобланади. Шунингдек, улар одам савдоси пайтида содир этилган бошқа жиноятлардан жабрланган бўлишлари мумкин.
Жиноятчилар	Ноқонуний олиб кирувчилар тасодифий танишлар, уюшган жиноий гурух аъзолари, мигрантнинг оила-си ёки дўстлари ёки бошқалар бўлиши мумкин, бироқ бунда фақат молиявий ёки бошқа моддий манфаатлар учун ҳаракат қилинган бўлиши лозим.	Мигрантларни ноқонуний олиб кирувчилар уюшган жиноий гурух аъзолари, жабрланувчиларнинг оила аъзолари, дўстлари ва ҳ.к. бўлиши мумкин.

2 §. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТЎҒРИСИДАГИ МИЛЛИЙ НОРМАТИВ- ХУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИ

Одам савdosига қарши курашиш бўйича асосий миллий норматив-хукукий хужжатлар

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасига кўра,

Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз хукуқлари олий қадрият ҳисобланади; Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасига мувофиқ, суд қарори билан тайинланган жазони ижро этиш тартибидан ёхуд қонунда назарда тутилган бошқа ҳоллардан ташқари мажбурий меҳнат тақиқланади.

Ўзбекистон одам савdosига қарши кураш бўйича қатор халқаро хужжатларни, жумладан, БМТнинг Одам савdosига ва учинчи шахслар томонидан фоҳишабозликдан фойдаланилишига қарши курашиш тўғрисидаги конвенциясини (1949) ратификация қилган; БМТнинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенцияси (2000); БМТнинг Одам савdosи тўғрисидаги протоколи (2000); Бола хукуқлари тўғрисидаги конвенция (1989) ва Болалар савdosи, болалар фоҳишабозлиги ва болалар порнографияси бўйича Бола хукуқлари тўғрисидаги конвенцияга қўшимча Протокол (2000) ратификация қилган.

Ушбу халқаро хужжатларни ратификация қилиш одам савdosига қарши курашиш соҳасидаги мажбуриятларни назарда тутади ва уларни амалга оширишда, шунингдек, «Ўзбекистон–2030» стратегияси ва 2015 йилда БМТ томонидан қабул қилинган Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга ошириш доирасида катта аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг «Одам савdosига қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни. Ўзбекистонда ратификация қилинган халқаро хужжатлар асосида «Одам савdosига қарши курашиш тўғрисида»ги қонуни (янги таҳрири) қабул қилинди. «Одам савdosига қарши курашиш тўғрисида»ги қонунда «одам савdosи», «вояга етмаган шахс савdosи», «келиб чиқиши мамлакати», «одам савdosидан жабрланган шахс», «мажбурлаш» ва бошқа тушунчалар мавжуд.

Одам савdosига қарши кураш соҳасидаги асосий таърифлар

Одам савdosи	Куч билан таҳдид қилиш ёки куч ишлатиш ёхуд мажбурлашнинг бошқа шаклларидан фойдаланиш, ўғирлаш, фирибгарлик, алдаш,
---------------------	--

	ҳокимиятни суиистеъмол қилиш ёки вазиятнинг қалтислигидан фойдаланиш орқали ёхуд бошқа шахсни назорат қилувчи шахснинг розилигини олиш учун тўловлар ёки манфаатдор этиш эвазига оғдириб олиш йўли билан одамлардан фойдаланиш мақсадида уларни ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш. Одамлардан фойдаланиш бошқа шахсларнинг фохишилигидан фойдаланишни ёки улардан шаҳвоний фойдаланишнинг ўзга шаклларини, мажбурий меҳнатни ёки хизматларни, қулликни ёхуд қулликка ўхшаш одатларни, эрксизлик ҳолатини ёхуд инсон аъзоларини ва (ёки) тўқималарини олишни англатади.
Вояга етмаганлар савдоси	«Одам савдоси» деган тушунчада кўрсатилган таъсир ўтказиш воситаларидан фойдаланилган-фойдаланилмаганлигидан қатъи назар, ҳар қандай ҳаракат ёки битим бўлиб, улар воситасида вояга етмаган шахс ота-онаси, бошқа қонуний вакили ёки ўзга шахс томонидан қонунга хилоф равишда ундан фойдаланиш мақсадида ёхуд моддий ёки бошқа наф олиш мақсадида бошқа шахсга ҳақ эвазига берилади.
Келиб чиқиши мамлакати	Худудидан одам савдосидан жабрланганларни олиб чиқиши амалга оширилган ёки фуқаролари одам савдосидан жабрланган давлат.
Мажбурлаш	Мажбурланаётган шахсни унинг иродасига қарши ёки иродасини четлаб ўтиб, бирор-бир ҳаракатни амалга оширишга ёки бирор-бир ҳаракатни бажаришни мажбурловчи шахснинг ёки бошқа шахсларнинг фойдаси учун рад этишга ундаш мақсадидаги жисмоний, руҳий, жинсий ва иқтисодий зўравонлик ёки уларни қўллаш таҳди迪.
Одам савдосидан жабрланган	Одам савдосидан, бундай ҳаракатга розилик берганлиги-бермаганлигидан ва жиноят процессида иштирок этганлиги-этмаганлигидан қатъи назар, жабрланган жисмоний шахс.
Одам савдосидан жабрланганларни аниқлаш	Жисмоний шахсларга нисбатан амалга ошириладиган, уларга нисбатан одам савдоси сифатида малакаланадиган хатти-ҳаракатлар содир этилганлиги тўғрисида ёки содир этиш нияти ҳақида маълумотлар олишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи.
Одам савдосига қарши кураш	Одам савдосининг олдини олишга, уни аниқлашга, унга чек

	қўйишга, унинг оқибатларини камайтиришга, одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатишга доир фаолият.
Одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахс	Дастлабки аниқлаш натижасида одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахс сифатида тан олинган жисмоний шахс.
Одам савдоси билан шуғулланувчи шахс	Мустақил равища ёки бир гурӯҳ шахслар таркибида одам савдоси билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатни содир этувчи жисмоний шахс, шунингдек, ўз ҳаракатлари билан одам савдосига кўмаклашаётган, худди шунингдек, гарчи ўз мавқеидан келиб чиқиб, тўсқинлик қилиши ва қарши курашиши шарт бўлса-да, одам савдосига тўсқинлик қилмаётган ва қарши курашмаётган мансабдор шахс.

«Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги қонунда Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича миллий ва худудий комиссиялар, миллий маъruzachi мақоми белгиланган бўлиб, Вазирлар Маҳкамаси ва масъул давлат органларининг ваколатлари белгилаб берилган.

Мазкур Қонуннинг 6-моддасида Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича миллий комиссия давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг, бошқа ташкилотларнинг одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштирувчи коллегиал органдир. У Одам савдосига қарши курашиш бўйича кичик комиссия ва Мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича кичик комиссиядан иборат бўлиб, комиссияни шакллантириш ва унинг фаолиятини ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланади.

Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича худудий комиссия давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг худудий бўлин-маларининг, бошқа ташкилотларнинг одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштирувчи худудий коллегиал органдир. Худудий комиссияларнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлардаги (шаҳарлардаги) фаолиятини ташкил этиш тартиби миллий комиссия қарори билан белгиланади (7-модда).

Миллий маъruzachi функцияларини Одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссияси раиси амалга оширади (8-модда).

Одам савдосига қарши курашиш фаолиятини бевосита амалга оширувчи давлат органлари – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ва консулийк муассасалари, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигидир. Одам савдосига қарши курашиш қонун хужжатларига мувофиқ, бошқа давлат органлари томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин (10-модда).

Қонуннинг 17-моддасига мувофиқ, давлат органлари ва муассасалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, шунингдек, фуқаролар одам савдосига қарши курашиш фаолиятини амалга оширувчи давлат органларига ёрдам қўрсатиши мумкин.

Одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги қонунда одам савдосининг олдини олиш масалалари, шу жумладан, доимий мониторинг ўтказиш, аҳолининг хавфли вазиятлардан хабардорлигини ошириш, давлат ва хусусий таълим муассасаларида таълим дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, ягона маълумотлар базасини яратиш, одам савдосидан жабрланганларни аниқлаш ҳамда уларни ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам қўрсатиш бўйича давлат органларининг ҳамкорлиги; шунингдек, вояга етмаганлар савдосига қарши курашиш хусусиятлари ҳам муҳокама қилинади.

Одам савдоси тушунчасининг жиноий-хукуқий хусусиятлари

Одам савдоси учун жиноий жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 135-моддасида белгиланган:

Одам савдоси, яъни одамни олиш-сотиш ёхуд одамни ундан фой- даланиш мақсадида ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш – уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

- а) ўғирлаш, зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш ёхуд мажбурлашнинг бошқа шаклларини қўлаш орқали;
- б) икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан;
- в) ожиз аҳволдалиги айбланувчига аён бўлган шахсга нисбатан;
- г) айбланувчига моддий жиҳатдан ёки бошқа жиҳатдан қарам бўлган шахсга нисбатан;
- д) такроран содир этилса ёки хавфли рецидивист томонидан;
- е) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;
- ж) хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда;
- з) жабрланувчини Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасидан олиб ўтган ҳолда ёки чет элда қонунга хилоф равищда ушлаб турган ҳолда;
- и) қалбаки хужжатлардан фойдаланган ҳолда, худди шунингдек жабрланувчининг шахсини тасдиқловчи хужжатларни олиб қўйган, яширган ёхуд йўқ қилиб юборган ҳолда;
- к) инсон аъзоларини ва (ёки) тўқималарини олиш мақсадида содир этилган бўлса – беш йилдан ўн йилгачаозодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

- а) ўн саккиз ёшга тўлмаганлиги айбланувчига аён бўлган шахсга нисбатан содир этилган бўлса;
- б) жабрланувчининг ўлимига ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса;
- в) ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса;
- г) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса – ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 135-моддаси диспозициясига кўра, одам савдоси деганда одамни олиш-сотиш ёхуд одамни ундан фойдаланиш мақсадида ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш тушунилади.

Жиноят таркиби расмийдир. Жиноят битим тузилган пайтдан ёки эксплуатация қилиш мақсадида камида битта жиноий ҳаракат (ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш) амалга оширилганда тугалланган ҳисобланади. Эксплуатациянинг мақсади одамни ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул

қилишда мажбурий хусусиятга эга. Шунга эътибор қаратилиши лозимки, айрим квалификация белгиларида жиноятни тугалланган деб топиш учун ундаги оқибатлар юзага келиши керак (масалан, модда 3-қисмнинг б) бандига кўра жабрланувчининг ўлими юз берган ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса).

Жиноятнинг обьекти – бу шахснинг ўз мақсадлари, манфаатлари ва идеалларидан келиб чиқиб, ўзининг ҳаёт тарзини ва фаолиятини танлаш эркинлиги хисобланади.

Жиноятнинг обьектив томони – шахсни олиш-сотиш ёки эксплуатация қилиш мақсадида уни ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш.

Жиноят субъекти – жиноят содир этгунга қадар 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс.

Жиноятнинг субъектив томони тўғри қасд билан тавсифланиб, мотиви (сабаб) – ғаразгўйлик ниятида содир қилиш. Жиноятчи шахсни сотиб олаётгани ва сотаётгани ёки ундан фойдаланиш мақсадида ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилишини билади, шахснинг шахсий эркинлигини бузиш шаклида ижтимоий хавфли оқибатлар юзага келиши мумкинлигини олдиндан кўра олади ва бу ҳаракатларни амалга оширишни хоҳлайди. Агар одам савдоси ёзма ёки оғзаки битим шаклида олди-сотди тарзида амалга оширилса, унга кўра шахс бир шахсдан бошқа шахсга пул, бошқа моддий бойликлар (мол-мулк), мулк кўринишидаги мукофот олиш эвазига ўтказилади ва хизматлар, мол-мулқдан ёки пул қарзидан воз кечиш ва бошқалар бўлади, бунда мақсад шахсни сотиб олиш ёки сотиш эканлиги ҳукукий аҳамиятга эга эмас. Агар одам савдоси шахсни эксплуатация қилиш мақсадида ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш сифатида содир этилган бўлса, шахсни эксплуатация қилиш мақсадининг мавжудлиги жиноий жавобгарликнинг зарурӣ шартидир. Жиноятчи шахсни кейинчалик эксплуатация қилиш мақсадида ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш эканлигини исботлаш мухимдир. Бунда эксплуатация мақсадига этилганлиги ёки этилмаганлиги аҳамиятга эга эмас.

Жиноий қилмишлар тушунчалари

Ёллаш	эксплуатация қилиш мақсадида шахсни бирор-бир фаолият тури билан шуғулланишга жалб этишга қаратилган фаолият (эксплуатация обьектини
-------	--

	қидириш, тўплаш, у билан музокаралар олиб бориш ва ҳ.к.)ни ифодалайди.
Ташиш	шахсни олиш-сотиш битими тузиладиган (ижро этиладиган) бошқа шахсга топшириладиган жойга ёки ундан эксплуатация мақсадида фойдаланиладиган жойга етказиб бериш (транспортда ташиш)ни англатади. Бунда етказиб бериладиган шахс одам савдосини амалга ошириш учун мўлжалланганлиги ташувчига олдиндан маълум бўлиши лозим. Ташиш битта ахоли доирасида ҳам Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқиш билан боғлиқ тарзда ҳам амалга оширилиши мумкин.
Топшириш	Одамни бошқа шахсга эксплуатация қилиш мақсадида жисмоний тарзда беришда ифодаланади.
Яшириш	Жабрланувчини ҳокимият вакилларидан, қариндошларидан ёки унинг тақдиридан манфаатдор бошқа шахслардан ҳар қандай жойда хуфия сақлашда ифодаланади.
Қабул қилиш	шахсни ўз мақсадларида эксплуатация қилиш учун эгаликка олиш (масалан, ҳадя тариқасида, вақтинча текин фойдаланиш учун ёки қарз эвазига ва ҳ.к.)ни англатади, одамни сотиб олиш ҳоллари бундан мустасно.

Эксплуатация қилиш мақсадлари. БМТнинг Одам савдоси тўғрисидаги протоколи эксплуатация шакл-ларининг тўлиқ бўлмаган рўйхатини ўз ичига олади, миллий қонунчиликда жиноий жавобгарликка тортишнинг минимал стандартини белгилайди. 135-модданинг диспозицияси ҳам эксплуатация шаклларини чекламайди, бироқ Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 8-моддасида одамларни эксплуатация қилиш учинчи шахсларнинг фоҳишабозлигини эксплуатация қилиш ёки шаҳвоний эксплуатациянинг бошқа шакллари, мажбурий меҳнат ёки хизматлар кўрсатиш, қуллик ёки қулликка ўхшаш анъаналар, эрксизлик ҳолати ёки тана органлари ёхуд тўқималарни олиш, деб тушунтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми шаҳвоний эксплуатация, мажбурий меҳнат (хизматлар), қуллик ва эрксизлик ҳолатини тушунтириб ўтади.

Эксплуатация шакллари тушунчалари

Фоҳишабозликда фойдаланиш деганда, одамдан унинг ҳақ эвазига номуайян доирадаги жинсий шериклар билан шаҳвоний муносабатларга киришишидан муттасил фойдаланиш

тушунилади. Бошқа қўринишдаги шаҳвоний эксплуатация деганда, одамнинг ундан порнографик тасвирлар тайёрлаш, бузук харакатлар содир этиш ва ҳ.к. мақсадларда фойдаланиш учун берилиши тушунилади.

Мажбурий меҳнат (хизматлар) бирон-бир жазони қўллаш билан таҳдид қилиш орқали иш бажаришга мажбуурлашни англатади. Ҳарбий ёки муқобил хизмат тўғрисидаги қонунлар асосида, фавқулодда ҳолат юз берган шароитларда, суднинг қонуний кучга кирган ҳукмига биноан, қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда бажарилиши лозим бўлган ишлар мажбурий меҳнат деб ҳисобланмайди.

Қуллик ўзига нисбатан мулк ҳуқуқига хос айрим ёки барча ҳуқуqlар амалга оширилаётган шахс аҳволи ёки ҳолатини англатади.

Эрксизлик ҳолати шахснинг муайян омиллар мажмуи таъсири остида ўз эркига хилоф равиша ҳар қандай иш ёки хизматни бажаришга мажбур бўлганлигини англатади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 135-моддаси 2-қисми

одам савдоси учун қуидаги квалификация белгиларини белгилайди:

а) ўғирлаш, зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш ёхуд мажбуурлашнинг бошқа шаклларини қўллаш орқали

Ўғирлаш деганда, одамни қонунга хилоф равиша, яширин ёки ошкора қўлга киритиш ва унинг эркига хилоф равиша уни олиш-сотиш ёки эксплуатация қилиш мақсадида бошқа жойга олиб кетиш тушунилиши лозим.

Зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш деганда, боғлаш, озодликдан маҳрум этиш, уриш-дўппослаш, ушлаб туришдан бошлаб, жабрланувчининг соғлиғига енгил ёки ўртacha оғир шикаст етказиш, шунингдек, жабрланувчининг соғлиғига зиён етказмаган бўлса-да, бироқ қўлланилган пайтда бундай зиён етказишга реал имконият туғдирган зўрликкача бўлган ҳар қандай мажбуурлаш тушунилиши лозим.

Бошқа шаклдаги мажбуурлаш деганда жабрланувчининг ёки унинг яқин кишиларининг мулкига шикаст етказиш ёки уни нобуд қилиш ёхуд шикаст етказиш ёки нобуд қилиш билан таҳдид қилиш, жабрланувчи ёки унинг яқин кишилари обрўсини тўқадиган маълумотларни ёки уларнинг ҳуқуqlари ёки қонуний манфаатларига жиддий зиён етказиши мумкин бўлган бошқа маълумотларни тарқатиш ёхуд жабрланувчини айбланувчининг у ёки бу

кўрсатмаларини бажаришга мажбур этадиган вазиятни вужудга келтирадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга ошириш тушунилиши керак.

б) икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан

Жабрланувчилар икки ёки ундан ортиқ бўлса, уларнинг жинси, ёши ёки жисмоний ҳолати муҳим эмас.

в) ожиз аҳволдалиги айбланувчига аён бўлган шахсга нисбатан

Спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар таъсири остида вужудга келган, жабрланувчи атрофдаги вазиятни англолмайдиган даражада мастлик ҳолатини ожиз аҳволда деб тан олиниши мумкин, бунда жабрланувчини ким бундай ҳолатга келтирганлиги аҳамиятга эга эмас.

г) айбланувчига моддий жиҳатдан ёки бошқа жиҳатдан қарам бўлган шахсга нисбатан

Моддий қарамлик деганда, хусусан, жабрланувчи тўлиқ ёки қисман айбланувчининг қарамоғидалиги, қарздорнинг кредиторга қарамлиги ва бошқалар тушунилади.

Бошқа қарамлик деганда шуни тушуниш лозимки, жабрланувчи айбланувчига нисбатан ҳар қандай номоддий қарамликда бўлади (масалан, оиласвий муносабатлар, бўйсунувчи ходимнинг раҳбарга, ўқувчининг ўқитувчига қарамлиги ва бошқалар).

д) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан

Такрорий жиноят – шахснинг илгари қасддан содир этган жинояти учун судланганидан кейин қасддан янги жиноят содир этиши.

Хавфли рецидив жиноят – илгари ҳукм қилинган жиноятига ўхшаш жиноят содир этган шахснинг қасддан янги жиноят содир этиши.

е) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб

Жиноят содир этишда бевосита иштирок этган икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг ҳаракатлари мазкур квалификация белгисини ташкил қиласди, шу билан бирга, уларнинг ҳар бири жиноятнинг объектив томонини бажариши

шарт эмас, энг муҳими, уларнинг якуний қасдини билиши ва уни амалга ошириш учун чоралар кўриши.

Хизмат мавқеидан фойдаланиш деганда мансабдор шахснинг ўз мансаб ваколатларидан фойдаланган ҳолда одам савдосининг объектив томонини

з) жабрланувчини Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасидан олиб ўтган ҳолда ёки уни чет элда қонунга хилоф равища ушлаб турган ҳолда.

ташкил қилувчи ҳар қандай жиноий қилмишлар содир этиши тушунилади.

Бунда жабрланувчининг Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси орқали олиб ўтилиши ёки унинг чет элда қонунга хилоф равища ушлаб турилиши тушунилиши керак, яъни айбланувчи жабрланувчини Ўзбекистон Республикасидан ташқарига ёки унинг худудига Давлат чегараси орқали (қонуний ёки қонунга хилоф тарзда) ёки бошқа тарзда ўтказади ёхуд шахсни унинг эркига зид равища хорижий давлат ҳудудида ушлаб туради. Жабрланувчини чет элда қонунга хилоф равища ушлаб туриш уни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига қайтиш имкониятидан маҳрум қилишдан иборат.

Одам савдосини содир этища, одатда, қалбаки хужжатлардан ёки бошқа

и) қалбаки хужжатлардан фойдаланган ҳолда, худди шунингдек, жабрланувчининг шахсини тасдиқловчи хужжатларни олиб қўйган, шахс номидаги хужжатлардан кўпинча янглишириш учун ёки вояга етмаган

к) инсон аъзоларини ва (ёки) тўқималарини олиш мақсадида содир этилган бўлса

жабрланувчиларнинг ёшини яшириш учун фойдаланилади.

Одамлардан (тирик ёки ўлган) органлар ёки тўқималарни олиш – тегишли миллий қонунчиликни бузган ҳолда, шахсдан ўз иродасига қарши донор сифатида фойдаланиш тушунилади. Бундай одам савдоси жиноятлари донор аъзолари ва тўқималарининг этишмовчилиги сабабли содир этилмоқда. Бундай ҳаракатларга тиббий маълумотга эга бўлган мутахассис ёки тиббиёт олийгоҳлари талабаси доимо жалб этилади. Инсон органларининг трансплантиацияси, хусусан, юрак, жигар, буйрак ва ўпка, инсон тўқималари –

кўз (шох парда ва склер), тери (тери, дермис), мушак-скелет (суюклар, тоғай, пайлар), юрак-қон томир (юрак клапанлари, қон томир каналлари) ва туғруқдаги йўлдош тўқималари трансплантациясини ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 135-моддаси
З-қисмига кўра, одам савдоси учун қуийдаги квалификация белгиларини белгилайди:

а) ўн саккиз ёшга тўлмаганлиги жиноятчига маълум бўлган шахсга нисбатан содир этилган бўлса, одам савдоси жиноят содир этишдан олдин жабрланувчининг ёшини билган (у қариндоши, қўшниси, таниши бўлган) ёки жабрланувчи ёшини кўринишидан аниқ маълум (болалар савдоси) бўлиши лозим;

б) жабрланувчининг ўлимига ёки бошқа оғир оқибатларга олиб келган одам савдоси обьекти сифатида иштирок этувчи шахснинг ўлимига ёки бошқа оғир оқибатларга эҳтиётсизлик оқибатида келиб чиқсан тақдирда; бошқа жиддий оқибатларга, хусусан, жабрланувчининг ўз жонига қасд қилиши, жинсий йўл билан юқадиган касаллик ёки ОИТС билан касалланиши, руҳий касалликлар ва бошқалар кириши мумкин;

в) ўта хавфли рецидивист томонидан қасдан янги жиноят содир этилганида содир этилган бўлса, яъни, беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин бўлган қасдан янги жиноят содир этиш, яъни: илгари ўта оғир жинояти учун ёки икки марта оғир жинояти учун хукм қилиниб, уларнинг ҳар бири учун беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган шахс томонидан ўта оғир жиноят содир этилиши; ёки илгари оғир жинояти учун икки марта хукм қилинган ёки олдин-кейинлигидан қатъи назар, оғир ёки ўта оғир жиноятлар учун уларнинг ҳар бирига беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган шахснинг оғир жиноят содир этиши ўта хавфли рецидив жиноят деб топилади;

г) уюшган гурух томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, жиноят содир этиш мақсадида икки ёки ундан ортиқ шахснинг барқарор бирикмасига эга бўлган гурух томонидан содир этилган бўлса.

Гурухнинг барқарорлиги, хусусан, жиноий фаолиятнинг олдиндан режалаштирилганлиги, жиноий қасдни амалга ошириш учун зарур бўлган воситаларнинг тайёрланиши, иштирокчиларни танлаш, ёллаш ва улар ўртасида вазифаларнинг тақсимланиши, жиноятни яшириш чораларини таъминлаш, гуруҳда ўрнатилган интизомга ва ташкилотчининг кўрсатмаларига бўйсунишлик жиноий гурухнинг уюшганлигидан далолат беради. Айлов хулосаси ва суд ҳукми ўзида жиноий гурух қайси асосларга кўра уюшган деб топилганлигини аниқ акс эттириши керак.

3 §. ОДАМ САВДОСИДАН ЖАБРЛАНГАНЛАРНИ ИДЕНТИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ

Одам савдосидан жабрланганларни идентификация қилиш.

Жабрланувчини идентификация қилиш – бу шахсни тегишли органлар томонидан одам савдосидан жабрланган (одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинган) сифатида идентификация қилиш ҳамда мазкур шахсга ёрдам кўрсатиш ва ҳимоя қилиш учун юборишга олиб келадиган жараён. Одам савдосидан жабрланганлар билан фақат маҳсус тайёргарликдан ўтган ходимлар ва мутахассислар ишлай оладилар.

Одам савдосидан жабрланган шахсни идентификация қилиш жиноятнинг турли босқичида (ёллаш, мамлакат ичида ташиш, давлат чегарасидан олиб ўтиш ёки чет элда, топшириш, эксплуатация қилиш пайтида) ёки у қочиб кетганидан ёки қутқарилганидан кейин содир бўлиши мумкин. Одам савдосидан жабрланган ўзини жабрланувчи сифатида таништириб, ҳуқуктартибот идораларига мурожаат қилиши даргумон. Шу боис, нафақат ички ишлар, прокуратура ва судлар, балки одам савдосидан жабрланган ёки потенциал қурбони³⁶ билан биринчи алоқада бўлиши мумкин бўлган миграция, чегара, божхона хизматлари ходимлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари, таълим ва тиббиёт муассасалари, ҳокимликлар ва ҳ.к.ни бундай ҳолатларни аниқлашга ўргатиш керак. Расмий аниқлаш қонунчиликда белгиланадиган масъул органлар томонидан амалга оширилади. Одам савдосидан жабрланган шахсни идентификация қилиш чегараси турли

мамлакатларда турлича, шунингдек, уларнинг ҳуқуқлари ва ҳимояланиш чегараси ҳам турлидир.

Одам савдосидан жабрланганларнинг ҳуқуқларини халқаро ва миллий қонунчилик доирасида ҳимоя қилиш тегишли тарзда идентификация қилишни талаб қиласди. Одам савдосидан жабрланганинг манипуляция, алдаш билан ва кўпинча одам ўғирлаш йўли билан сотилган ва фоҳишабозликка мажбурланган ёш аёллар умумэътироф этилган стереотипи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг бошқа вазиятларда ҳам жабрланувчи бўлиши мумкинлигини англаб етишига тўсқинлик қилиб, оқибатда одам савдосидан жабрланганлар сифатида кўпинча эркаклар эътироф этилади. Одам савдосидан жабрланганлар уйсизлар ёки ижтимоий изоляция қилинган жамоаларда яшовчи одамлар орасида топилиши мумкин; яъни, этник озчиликлар, мигрантлар ва қочқинлар орасида; ақлий ва жисмоний нуқсонлари бўлган шахслар орасида; оиласаги зўравонлик ва бошқа жиноятлардан жабрланганлар орасида; гиёҳвандликка чалинган бўлган одамлар орасида. Заиф одамлар одам савдоси билан шуғулланувчи шахслар томонидан нишонга олинади. Бироқ, олий маълумотли, иш билан таъминланган ва моддий таъминланган шахслар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд тизими ходимларининг қариндошлари ҳам одам савдоси қурбони бўлишлари мумкин.

Одам савдосининг аломатлари. Одам савдосини аниқлаш анча мураккаб масала. Одам савдоси билан шуғулланувчилар ўзларининг жиноий қилмишларини аниқлашни қийинлаштиришга ҳаракат қиласдилар. Одам савдоси билан боғлиқ барча ҳолатлар бир хил бўлмайди ва одам савдосининг аломатлари ҳар бир ҳолатда фарқ қилиши мумкин. Одам савдоси жинояти таркибини (Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 135-моддаси) ўрганиб чиққач, ушбу жиноятнинг оддий белгиларига ҳам эътибор қаратиш лозим.

Одам савдосидан жабрланган бўлиши мумкинлигини кўрсатадиган энг кенг тарқалган аломатлар

Одам савдосига учраган одамлар қўйидаги ҳолатларда бўлишлари мумкин:

- ўз хошишларига қарши ишлашга мажбур деб ҳисоблашлари

- иш жойини тарк этиш имкониятига эга бўлмаслиги
- ўз жойини ўзгартиришлари кузатилаётганини ишора қилиниши
- кета олмаслигини ҳис қилишлари
- қўркув ёки хавотирни ҳис қилишлари
- ўзларига ёки яқинларига нисбатан зўрлик ёки зўравонлик таҳдидларига дучор бўлишлари
- калтакланиш натижасида пайдо бўлган жароҳатлари бўлиши
- муайян турдаги ишларга хос бўлган ёки назорат чоралари билан боғлиқ жароҳатлар ёки нуқсонлар бўлиши
- назорат чоралари натижасида келиб чиққандек кўринадиган жароҳатларга эга бўлиши
- ҳокимият вакилларига ишонмаслиги
- ҳокимият вакилларига топширилиш таҳдидидан қўрқишишлари
- иммиграция мақомини ошкор қилишдан қўрқишишлари
- бошқа бировда турган паспортлари ёки бошқа шахсини тасдиқловчи ёки йўловчи хужжатларидан маҳрум қилиниши
- қалбаки шахсни тасдиқловчи гувоҳнома ёки йўловчи хужжатлари
- одамларни эксплуатация қилиш учун фойдаланилиши мумкин бўлган ёки у жой билан боғланган жойда жойлашган бўлиши
- маҳаллий тилни билмаслиги
- уйи ёки иш манзилини билмаслиги
- бошқаларга тўғридан-тўғри мурожаат қилганда, улар учун жавоб беришга рухсат беришлари, гўё уларга кимдир кўрсатма бергандек ҳаракат қилишлари
- маълум шароитларда ишлашга мажбур бўлиши
- жазо шаклида интизомий жазога тортилиши
- иш шароитларини муҳокама қила олмаслиги
- кам тўлов олишлари ёки умуман олмасликлари
- ўз даромадларидан фойдалана олмаслиги
- узоқ вақт давомида ҳаддан ташқари узоқ иш соатларига эга бўлиши
- дам олиш кунлари бўлмаслиги
- камбағал ёки нокулай шароитларда яшашлари
- соғлиқни сақлаш хизматидан фойдалана олмаслиги
- ижтимоий ўзаро мулоқотларнинг чекланганлиги ёки умуман бўлмаслиги
- ўз оиласири ёки бевосита атрофидагилардан бошқа одамлар билан мулоқот қилиш имконияти чекланган бўлиши
- бошқалар билан эркин мулоқот қила олмаслиги
- ўзларини мажбурият билан боғланган деб ҳис қилишлари
- қарам ҳолатда бўлиши
- кўпинча одам савдоси манбаси сифатида кўриладиган ҳудуддан келиб чиқиши
- уларнинг мамлакатга кўчиб ўтишлари воситачилар томонидан молиялаштирилганлиги сабабли, улар пулни белгиланган жойда ишлаш ёки хизмат кўрсатиш орқали қайташишлари керак деб ҳисоблашлари
- ёлғон ваъдалар асосида ҳаракат қилишлари

Одам савдосига учраган одамлар қўйидаги ҳолатларда бўлишлари мумкин:

- Ота-оналар ёки васийлар билан учрашиши имкони бўлмаслиги
- Кўрқитилган кўриниши ва тенгдошларига хос бўлмаган тарзда ўзини тутиши
- Ишдан ташқари вақтда тенгдош дўстлари бўлмаслиги
- Таълим олиш имконияти бўлмаслиги
- Ўйин ўйнашга вақти бўлмаслиги
- Бошқа болалардан алоҳида номақбул шароитларда яшами
- «Оила»нинг бошқа аъзоларидан алоҳида овқатланиши
- Фақат қолдиқ овқатлар ейиши
- Болалар учун мос бўлмаган ишларга жалб қилиниши

- Катталар ҳамроҳлигисиз ҳаракатланиши
- Қариндошлари бўлмаган одамлар билан гурух бўлиб ҳаракатланишлари

Одам савдосидан жабрланган болаларни аниқлаш жараёни уларнинг ёши ва эҳтиёжларига қараб фарқланади. Жабрланувчилар шахсини аниқлаш жараёнида агар зарур бўлса, улар тушунадиган тилга таржимон билан таъминланиши лозим.

Одам савдосидан жабрланганларнинг ҳуқуқлари ва эҳтиёжлари.

Одам савдосидан жабрланганларни ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш. Одам савдосидан жабрланганларга ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилишининг халқаро стандартлари турли халқаро шартнома ва келишувларга, шунингдек, турли халқаро ташкилотлар ва соҳа мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган тавсия ва йўриқномаларга асосланади. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Одам савдоси протоколи одам савдосидан жабрланганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ бир қатор қоидаларни ўз ичига олади. Ҳужжатнинг 6-моддасига кўра, аъзо давлатлар қуидагиларга мажбурдирлар:

- одам савдоси билан боғлиқ маълумотларнинг махфийлигини ва жабрланувчиларнинг шахсий хаёти дахлсизлигини ҳимоя қилишни таъминлашга;
- жабрланувчиларга суд жараёнлари ва уларнинг ишлари билан боғлиқ ҳуқуқлар тўғрисида маълумот бериш ҳамда улар тушунадиган тилда жиноят процессида иштирок этиш имкониятини беришга;
- одам савдосидан жабрланганларни жисмоний, руҳий ва ижтимоий реабилитация қилиш, айниқса, тегишли бошпана, тиббий, психологик ва моддий ёрдам ҳамда ишга жойлашиш, таълим ва малака ошириш имкониятларини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни кўриб чиқишига;
- жабрланувчиларнинг, шу жумладан, болаларнинг алоҳида эҳтиёжларини ҳисобга олиш ва уларнинг хавфсизлигини таъминлашга;
- жабрланувчиларга етказилган заарни қоплаш чораларини кўришига;

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси (ИҲОКБ) Инсон ҳуқуқлари ва одам савдоси бўйича

Тавсия этилган тамойиллар ва йўриқномаларни ишлаб чиқди⁶. Ушбу стандартлар давлатлар, халқаро ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг одам савдосига қарши курашиш ва жабрланувчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги ҳаракатлари учун асос бўлиб хизмат қилади. Ушбу тавсия ва тамойиллар одам савдосига қарши курашиш, жабрланувчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш бўйича миллий стратегия ва дастурларни ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Улар одам савдоси билан боғлиқ барча чораларда инсон ҳуқуқларини ҳисобга олиш муҳимлигини таъкидлайдилар.

Куйидаги тавсия этилган тамойиллар (7–9, 11 тамойиллар) одам савдосидан жабрланганларни ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам кўрсатишга тааллуклидир:

7. Одам савдосидан жабрланганлар транзит ёки учинчи мамлакатларга ноқонуний кирганликлари ёки у ерда яшаганликлари ёки ноқонуний фаолиятга алоқадорликлари учун ҳибсга олинмайдилар, айбланмайдилар ёки жиноий жавобгарликка тортилмайдилар, агарда бундай алоқадорлик одам савдоси жабрланувчилари сифатидаги ҳолатининг бевосита натижаси бўлса.

8. Давлатлар одам савдосидан жабрланганларни кейинги эксплуатация ва зарар кўришдан ҳимояланишини ҳамда тегишли жисмоний ва руҳий саломатлик билан боғлиқ хизматлардан фойдаланиш имкониятини таъминлаши керак. Бундай ҳимоя ва хизматлар одам савдосидан жабрланганларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилиш қобилияти ёки хоҳишига боғлиқ бўлмаслиги керак.

9. Одам савдосида гумон қилинган шахсларга нисбатан ҳар қандай жиноий, фуқаролик ёки бошқа суд ишларини юритиш чоғида одам савдосидан жабрланганларга ҳуқуқий ва бошқа ёрдам кўрсатилиши шарт. Суд жараёни давомида давлатлар жабрланувчилар ва гувоҳларни ҳимоя қилиш ва вақтинча яшашга рухсат беришлари шарт.

⁶ ИҲОҚБ, Инсон ҳуқуқлари ва одам савдоси бўйича Тавсия этилган тамойиллар ва йўриқ номалар (2002).

11. Қабул қилувчи давлат ҳам, келиб чиққан давлат ҳам одам савдосидан жабрланганларнинг хавфсиз (ва иложи бўлса, ихтиёрий) қайтишини кафолатлаши шарт. Одам савдосидан жабрланганларга репатриация уларнинг хавфсизлиги ва/ёки оиласи яқинлари ва уларга ёрдам қўрсатаётган шахсларнинг хавфсизлигига таҳдидни баҳолаши шарт. Имкон қадар, одам савдосидан жабрланганларни идентификация қилиш ва жиноий (суд) жараёни давомида уларни кузатувчи (ҳамроҳ) билан таъминлашлари керак (иложи бўлса, улар жабрланувчилар танлаган шахс бўлгани маъқул, ёки ўқитилган психолог, ижтимоий соҳа ходими, зарур ҳолларда ички ишлар ходими).

Хавфсизликка таҳдидни баҳолаш. Масъул ички ишлар ходимлари одам савдосидан жабрланган, унинг оиласи, яқинлари ва уларга ёрдам қўрсатаётган шахсларнинг хавфсизлигига таҳдидни баҳолаши шарт. Имкон қадар, одам савдосидан жабрланганларни идентификация қилиш ва жиноий (суд) жараёни давомида уларни кузатувчи (ҳамроҳ) билан таъминлашлари керак (иложи бўлса, улар жабрланувчилар танлаган шахс бўлгани маъқул, ёки ўқитилган психолог, ижтимоий соҳа ходими, зарур ҳолларда ички ишлар ходими).

Одам савдосидан жабрланганларни қайта йўналтиришнинг халқаро механизми.

Халқаро қайта йўналтириш механизми одам савдосидан жабрланганлар миллий чегараларни кесиб ўтишида уларни ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам қўрсатишга мўлжалланган келишувлар, чора-тадбирлар ва амалиётлар тизимиdir. Ушбу механизм жабрланувчиларга ҳимоя ва ёрдам, жумладан, адлия, тиббий ва психологик ёрдам, ижтимоий хизматлар ҳамда кейинги эксплуатациянинг олдини олиш ва чек қўйишдан фойдаланиш имкониятини таъминлашга қаратилган.

Кўпгина давлатлар ўзларини одам савдосига қарши курашиш ва жабрланувчиларни ҳимоя қилишда ҳамкорлик қилишга мажбурият юкловчи келишув ва протоколлар тузганлар. Мамлакатлар одам савдосидан жабрланганларни аниқлаш, ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам бериш бўйича саъ-

харакатларни мувофиқлаштириш учун масъул бўлган маҳсус агентликни белгилайди ёки миллий органлар ва механизмларни яратади.

Одам савдосидан жабрланганларга мурожаат қилишнинг халқаро механизми ушбу жиноятга қарши курашиш ва жабрланувчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда мухим аҳамият касб этмоқда. Бу жабрланувчиларнинг қаерга кўчиб ўтаётганидан қатъи назар, зарур ёрдам ва кўмак олишини таъминлашга ёрдам беради ва келиб чиқиш, транзит ва борадиган мамлакатлар ўртасидаги бундай механизмлар ахборот алмашинувини тезлаштиради ва одам савдоси ҳолатларини аниқлаш самарадорлигини оширади.

Одам савдосидан жабрланган шахс билан сўров ўтказиш. Одам савдосидан жабрланган шахс билан сўров ўтказишдан мақсад тергов ҳаракатлари амалга ошираётган воқеа тўғрисида имкон қадар кўпроқ маълумот ва ишончли гувоҳлик кўрсатувларини олишдир. Бунда жабрланганлар ва уларнинг яқинларининг саломатлиги ва шахсий хавфсизлигини таъминлаш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг устувор ва асосий вазифаси эканлигини унутмаслик жуда мухим. Жабрланувчи яқинда жароҳатни бошдан кечирган, шунинг учун ҳам жабрланувчи билан сұхбатлашиш фақат асосий эҳтиёжлар қондирилгандан сўнг ва жабрланувчи гапиришга тайёрлигини билдирганида амалга оширилиши мумкин.

Шуни инобатга олиш керакки, одам савдосидан жабрланганлар қўпинча турли сабабларга кўра, ўз аҳволини яширишга ҳаракат қиласидилар: одам савдоси билан шуғулланувчилар ва уларнинг жиноий шерикларидан кўрқишиади; уларнинг қариндошлари, дўстлари ва танишлари эксплуатация қилинганлиги ҳақида билиб қолмаслиги, уларнинг ишлари оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниб қолишидан хавотирланиши; қўрқитилганлиги – чунки уларнинг ўзлари жиноий фаолият билан шуғулланишга жалб қилинган (ноқонуний миграция, қалбаки ҳужжатлардан фойдаланиш, гиёҳванд моддалар савдоси, ўғирлик ва бошқалар). Бундан ташқари, улар ҳокимият вакилларига нисбатан ишончи комил эмас, ишончсизлик билан ва ёвга қарагандек қарайдиган одамлар тоифасига киради. Одам савдосидан жабрланганлар билан сұхбатлар,

агар жабрланувчиларнинг илтимоси бошқача бўлмаса, жабрланувчилар билан бир жинсдаги терговчилар (зарурат бўлганда, бошқа мутахассислар, масалан, психологлар) томонидан ўтказилиши лозим. Кўнгилли таржимонлардан фойдаланиш тавсия этилмайди, чунки улар одам савдоси билан шуғулланувчилар ёки уларнинг шериклари бўлиши мумкин.

Одам савдосидан жабрланган шахс билан сухбатлашиш учун унинг шубҳа ва хавотирга ўрин йўқлигига ишонтириш ва тинчлантиришга ёрдам берадиган норасмий муҳит ва шароит яратиш керак. Унга зарап етказмаслик, балки дўстона мулоқотни яратиш учун ёрдам бериш, маълумот бериш, тергов жараёнини, сухбатни ўтказиш тартибини ва ҳукуқларини тушунтириш, унинг ахволини кузатиб бориш, уни стереотипик тарзда қабул қиласлик («ўзи шунга рози бўлган», «уларнинг барчаси шунаقا» ва бошқалар), зарур ўзаро тушунишни ўрнатишга алоҳида эътибор бериш, ишончига кириш ва психологик алоқа ўрнатиш, тамомила очик ва ҳалол бўлиш, ҳамдардлик ва эмпатия намойиш қилиш, нафақат оғзаки, балки оғзаки бўлмаган мулоқотни ҳам кузатиш зарур (оҳанг, интонация, овоз баландлиги, гавда ҳолати, қўллар, кўзлар ва бошнинг ҳаракатлари, ойнанинг акс эттиришидан фойдаланиш мумкин (алоқани ўрнатиш учун жабрланувчининг ҳолати ва имо-ишораларига тақлид қилиш ва аксинча, агар жабрланувчи ўзини тутиш ва имо-ишоралари орқали тақлид қилса, у ҳолда алоқа ўрнатилган дегани).

Сўров жабрланувчининг версиясининг асосий нуқталарини ва ҳар бир босқичда жиноятни содир этиш усулини аниқлашга қаратилган бўлиши керак. Агар жабрланувчи гапира бошласа, унга ўз версиясини айтиб бериш имконияти яратилиши керак. Бундай ҳолларда керакли маълумотлар оқимини тўхтатмаслик учун жабрланувчининг версиясини тўхтатмаслик ёки шубҳа остига қўймаслик керак.

Одам савдоси фактини тасдиқловчи маълумотлар ва далилларни аниқлашда очик саволлардан бошлаш тавсия этилади (фақат «ҳа» ёки «йўқ» эмас, батафсил жавобни талаб қиласиган саволлар). «Нима учун» билан бошланадиган саволларни бериш (бундай саволлар ҳукмни назарда тутади) ва

одам савдосидан жабрланганларини сўраш тавсия этилмайди, чунки улар кўпинча бундай жиноят қурбони бўлганларини ҳам билишмайди. Кейинчалик, тегишли қўшимча маълумотларни олиш учун аниқловчи саволлар (ким? нима? қаерда? каби саволлар) берилади. Саволлар турли ҳолатлар ва далилларни акс эттириш учун мослаштирилган бўлиши керак. Одам савдосининг барча белгиларини, шу жумладан, зўравонлик шаклларини аниқлаш муҳим. Агар жавоблар шахснинг танлаш эркинлиги чекланган ёки назорат қилинганлигини қўрсатса, у шахс одам савдосидан жабрланган бўлишининг эҳтимоли катта.

Сўровнинг якуний қисмида жабрланувчининг гумонланувчиларга нисбатан гумон қилинаётган жиноятлар жами натижасида унга етказилган жисмоний ва руҳий зарар ҳақидаги тушунтиришлари акс эттирилиши керак. Жиноятларнинг таъсири тўғрисидаги маълумотлар жабрланувчининг жиноятнинг ўзига, зўравонликка, эксплуатацияга муносабати тафсилотларини, шунингдек, таъсирининг ҳаёт сифатига, шу жумладан, ўзи ва яқинлари учун кўркув даражаси, ўз қадр-қиммати ва қадрияти, ўз ҳаётини мустақил равишда олиб бориш қобилияти ва бошқалар каби тафсилотларни ўз ичига олиши керак.

Одам савдосидан жабрланган шахсларнинг хатти-ҳаракатлари. Одам савдосидан жабрланганлар кўпинча одам савдоси жараёнида кўрил-ган турли жисмоний ва руҳий жароҳатлар таъсиридан азият чекишади. Улар кўпинча постравматик руҳий касалликларни келтириб чиқарадиган психологик жароҳатлар олишади.

Одам савдосидан жабрланганлар кўпинча ўзини жуда толикқан ҳис қиласи-лар, йўналишни аниқлаш ва диққатни жамлашда қийналадилар ва хуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органлари, бошқа идоралар, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари билан ҳамкорлик қилишни истамаслик ва ҳатто дўстона бўлмаган муносабатни намойиш қилишади. Умумий ночорлик, шармандалик, айборлик ва камситиш ҳиссини бошдан кечиришади, шок ва инкор, фобия, ваҳима ҳужумлари, ташвиш, уйқу бузилиши ёки овқатланиш бузилишидан азият чекишади. Кўпинча одам савдосидан жабрланганлар

вазиятни бошқариш ёки ундан «чиқиши» учун гиёхванд моддалар ва/ёки спиртли ичимликларга ружу қўйиши мумкин. Спиртли ичимликлар ёки гиёхванд моддаларни истеъмол қилишга жалб қилиш ҳам одам савдоси билан шуғулланувчилар томонидан қўлланиладиган назорат усули ҳисобланади⁷.

Одам савдосидан жабрланган шикастланган шахслар хотира йўқолиши одатий ҳол, натижада сухбатнинг турли нуқталарида жабрланувчининг кўрсатувларида номувофиқлик ва ўзгаришлар, нима бўлганини аниқ айтиб бера олмаслик, кийим-кечак, хона ёки транспорт воситаларини тасвирлаб бера олмаслик, исм-шарифлар, унвонлар, манзиллар, бошқа тафсилотларни эслай олмаслик билан ажралиб туради (улар травматик ҳодисанинг асосий фактларини эслаб қолишлари мумкин, аммо нозик майда тафсилотларни эмас). Эҳтимол, хаёт учун энг хавфли ёки қўрқинчли воқеалар жабрланганнинг хотирасида муҳрланиб қолган бўлиши мумкин.

Чет элда одам савдосидан жабрланганлар кўпинча депортация қилинишдан ёки қамоққа тушишдан қўрқишиди, шунинг учун улар хукumat вакилларига, айниқса, хукуқ-тартибот ва хукumat вакилларига ишонмасликлари мумкин. Худди шунингдек, одам савдоси билан шуғулланувчилар жабрланганларни агар улар ҳақида полицияга хабар қилсалар, полиция жабрланувчини фоҳишлиқ ёки ноқонуний хатти-ҳаракат, гиёхванд моддалар савдоси, ўғирлик ва бошқа ноқонуний хатти-ҳаракатлари (фойдаланиш шаклига қараб) учун қамоққа олинишларига ишонтиришлари мумкин, ваҳоланки, улар жабрланувчиларнинг иродасини бўйсундиришда фойдаланилган таъсир усуллари эди (БМТнинг Одам савдоси тўғрисидаги протоколининг 3-моддасига биноан, куч ишлатиш билан таҳдид қилиш ёки кучни ишлатиш ёки мажбурлашнинг бошқа шакллари, ўғирлаш, фирибгарлик, алдаш, ваколатни ёки заифлик ҳолатини суиистеъмол қилиш йўли билан ёки бошқа шахснинг назорати остидаги шахснинг розилигини олиш учун пора, тўлов ёки имтиёзлар билан) ёки улар мамлакатда ноқонуний бўлганлиги сабабли, одам савдоси

⁷ АҚШ Соғлиқни сақлаш ва инсон хизматлари департаменти. Факт варакаси: Одам савдоси- дан жабрланганларни аниqlash. Куйидаги ҳавола орқали кўриш мумкин <https://www.acf.hhs.gov/archive/otip/fact-sheet/fact-sheet-identifying-victims-human-trafficking>.

билан шуғулланувчилар ва уларнинг шериклари озод бўлиб қоладилар. Жабрланувчилар одам савдоси билан шуғулланувчилар ва уларнинг шериклари жабрланувчиларга, жабрланувчиларларнинг оила аъзоларига ёки қариндошларига зарар етказиши мумкинлигидан қўрқишиди.

Бошқа томондан, жабрланувчида Стокгольм синдроми – одам савдоси билан шуғулланувчи шахсга нисбатан кўниши, ҳамдардлик, боғлиқлик, меҳрмуҳаббат ҳисси ривожланиши мумкин. Стокголм синдроми – бу травматик ва ҳақоратли вазиятга психологияк реакция. Бу жабрланувчи уни ўғирлаганлар билан ҳамкорлик қиласи ёки уларнинг ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди дегани эмас. Бу одам савдосидан жабрланганларнинг тикланиши ва қайта интеграциялашуви учун муҳим тўсик бўлиши мумкин бўлган кураш механизмидир. Омон қолганларни қўллаб-қувватлаш, тушуниш ва ихтисослаштирилган ёрдам кўрсатиш уларга бошдан кечирган психологик ва хиссий травмаларни енгишга ёрдам бериш учун муҳимдир.

Одам савдосидан жабрланганлар билан ишлашда ходимлар ва мутахассислар, уларга ишончсизлик билдирамасдан, айбламасдан, қораламасдан ёки зиддиятга киришмасдан, ўзларини хотиржам тутишлари керак. Жабрланувчини жиддий қабул қилиш ва ёрдам таклиф қилиш (масалан, сизга сув олиб келиб беришим мумкин) ва умумий саволлар (масалан, совуқ қотмадингизми?) орқали уни тинчлантиришга ва ишончини қозонишга ҳаракат қилиш жуда муҳимдир. Агар жабрланувчи тинчланиб олиб гапира олмаса (масалан, жабрланувчи ўзини тажовузкор тутса, ҳеч нарсани эсламаса), ёрдам учун мутахассисларга мурожаат қилиш ва сухбатни фақат ёрдам кўрсатадиган мутахассислар нима бўлганини айтиб беришга тайёрлигини билдирганда давом эттириш маъқулроқдир.

Ўзбекистон Республикасида одам савдосидан жабрланганларни ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинган шахсларни идентификация қилиш ва уларни қайта йўналтириш тартиби.

Одам савдосидан жабрланганларни ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинганларни аниқлаш ва уларни қайта йўналтириш тартиби

«Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги қонун ва Вазирлар Маҳкамасининг «Одам савдосидан жабрланганларни ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни миллий даражадаги қайта йўналтириш тизимини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори билан белгиланган (жабрланганларни қайта йўналтириш бўйича ВМҚ)⁸. Асосий тушунчалар жабрланганларни қайта йўллаш бўйича ВМҚ томонидан белгиланади.

Дастлабки идентификация	жисмоний шахсни одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахс деб тан олиш тўғрисида қарор қабул қилиш мақсадида маълумотларни олишга, ўрганишга ва баҳолашга қаратилган чора-тадбирлар тушунилади
Сұхбат	одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни аниқлаш, уларга тегишли ёрдамларни кўрсатиш учун одам савдосидан жабрланган шахс сифатида эътироф этишга ҳамда уларнинг «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Қонунда кўрсатилган ҳуқуқларини тиклашга қаратилган сұхбат
Сұхбат олиб борувчи ва қайта йўналтириш билан шуғулланувчи мутахассис	«Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 10-моддасида кўрсатилган давлат органлари ва уларнинг худудий бўлинмаларининг маҳсус билим ва кўникмаларга эга вакили ҳисобланади
Қайта йўналтириш	одам савдосидан жабрланган, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни тезкор, сифатли ва малакали ёрдам кўрсатилишига ҳамда ҳимояга олишга йўналтириш
Яқуний идентификация	шахсни одам савдосидан жабрланган деб тан олиш ёки тан олишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш

Идентификация қилиш жараёни. Одам савдосидан жабрланганларни идентификация қилиш икки босқичда амалга оширилади: дастлабки ва якуний идентификация қилиш.

Одам савдосидан жабрланганлар ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинган шахсларни идентификация қилиш ва уларни қайта йўналтириш схемаси



⁸ Вазирлар Маҳкамасининг 2021-йил 8-февралдаги қарори № 60-сонли “Одам савдосидан жабрланган ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни миллий даражадаги қайта йўналтириш тизимини тасдиқлаш тўғрисида”.

2-боскич	Ваколатли органлар ва ташкилотлар	жабрланган деб тахмин килинаётган шахсни дастлабки идентификация килиш учун розилик олади. 2. Дастлабки идентификацияни амалга оширади. 3. Одам савдосидан жабрланган деб тахмин килинаётган шахсни тан олиш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қиласди.	5 кун ичida
3-боскич	Ваколатли органлар ва ташкилотлар	1. Одам савдосидан жабрланган деб тахмин килинган шахс сифатида унинг ҳукуқларини тушунитиради. 2. Одам савдосидан жабрланганликда тахмин килинган шахсга ёрдам кўрсатади ва агар у чет давлатда бўлса, ватанига кайтариш чораларини кўради. 3. Одам савдосидан жабрланган деб тахмин килинган шахсга ҳукуқни муҳофаза килувчи органлар билан ҳамкорлик килишни таклиф қиласди.	Қарор қабул қилинганидан кейин
4-боскич	Одам савдосидан жабрланган деб тахмин килинган шахс	Ҳукуқни муҳофаза килувчи органлар билан ҳамкорлик килишга розилик бериси ёки бермаслиги тўғрисида ваколатли органга хабар беради.	Мурожаат килинган кундан бошлаб камидা 30 кун
5-боскич	Хукук-тартибот идоралари	Одам савдосига алоқадор шахсларни жиной жавобгарликка тортиш бўйича терговга қадар текширувлар ва дастлабки тергов ўтказади.	Шахснинг розилиги билан Ўзбекистон Республикаси ЖПК доирасидаги муддатлар
6-боскич	Ваколатли орган	1. Тўпланган хужжатларни яшаш жойидаги одам савдосига ва мажбурий меҳнатга карши курашиби худудий комиссиясига юборади. 2. Хужжатларни ихтинослашган муассасаларга юборади.	1. Қарор қабул қилинганидан кейин 2. Шахснинг розилигидан кейин
7-боскич	Одам савдоси ва мажбурий меҳнатга карши курашиби худудий комиссияси	1. Шахсни одам савдосидан жабрланган сифатида якуний идентификацияни амалга оширади. 2. Якуний идентификация зарур ҳолатлар топилгани ва аннекланганидан кейин жамоавий равишда амалга оширилади. 3. Одам савдосидан жабрланганни ижтимоий реабилитация килиш ва мослаштиришнинг индивидуал режасини тасдиқлайди.	15 кун ичida ёки кўшимча хужжатлар керак бўлса, бир ойгача

Дастлабки идентификация. Дастлабки идентификация қилиш жараёнида шахсни тахмин қилинаётган одам савдосидан жабрланган деб тан олиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун маълумотлар олинади, ўрганилади ва баҳоланади. Шахс ваколатли давлат органларига мурожаат қилган пайтдан эътиборан беш кундан ортиқ бўлмаган муддатда шахсни дастлабки идентификация қилиш натижаларига кўра одам савдосининг тахминий қурбони деб топилади.

Дастлабки идентификация қилиш бевосита Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратура, Давлат хавфсизлик хизмати, Ташқи ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (ваколатли давлат органи) томонидан амалга оширилади.

Амалда одам савдосидан жабрланганларни аниқлаш кўпинча ички ишлар органлари ёки одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатувчи ихтисослашган нодавлат ташкилотлар томонидан амалга оширилади. Бу жабрланувчи бориши мўжалланган учинчи мамлакатда, транзит мамлакатида ёки жабрланувчи шахс келиб чиққан мамлакатда содир бўлиши мумкин.

Шахсдан мурожаат ёки ариза келиб тушганда ваколатли давлат органининг мутахассиси мурожаатни дарҳол рўйхатдан ўтказади. Одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсни идентификация қилиш ва уни шундай деб тан олиш тўғрисидаги қарор 5 кун ичидан амалга оширилади, шундан сўнг материал шахсни якуний идентификация қилиш учун Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича худудий комиссияга юборилади.

Одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган одамнинг шахсини дастлабки идентификация қилиш сухбат тарзида амалга оширилади, бунинг учун розилик талаб қилинади. Агар шахс дастлабки идентификацияга рози бўлса, жараён жабрланганларни қайта йўналтириш тўғрисидаги ВМҚнинг 2-иловасига мувофиқ расмийлаштирилади. Агар шахс дастлабки идентификацияга бўлмаса, бу шахснинг жабрланувчиларни қайта йўналтириш

тўғрисидаги ВМҚнинг 3-иловасига мувофиқ дастлабки идентификациядан ўтишни рад этиш тўғрисидаги аризаси билан расмийлаштирилади.

Одатда, дастлабки идентификация қилиш жараёни ҳар бир шахс билан алоҳида хавфсиз мухитда, эксплуатация қилинадиган ҳудуддан ташқарида, тахмин қилинаётган одам савдосидан жабрланганинг асосий эҳтиёжлари (озиқ-овқат ва сув, тегишли кийим, биринчи ёрдам) қондирилгандан кейин амалга оширилади.

Одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинганларни идентификация қилишнинг дастлабки босқичида шифокорлар ёки тиббиёт ходимлари уларнинг соғлиғи, жисмоний шикастланишлари ва касалликларини қайд этишлари керак. Агар дастлабки идентификация қилиш босқичида шифокор ёки соғлиқни сақлаш ходими мавжуд бўлмаса, дастлабки идентификацияни ўтказувчи давлат органи мутахассиси кузатувлар асосида тиббий ҳолат ва жисмоний шикастланишларни (агар мавжуд бўлса) қайд этиши шарт.

Жабрланувчи деб тахмин қилинган шахсга жисмоний ва руҳий жиҳатдан тикланиши ва унга нисбатан содир этилган жиноят юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилишга қарор қилиши учун камида 30 кун муддат берилади.

Шахс одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинган сифатида идентификация қилинганда, ваколатли давлат органи мутахассиси ушбу шахсга унинг ҳуқуqlари тўғрисида маълумот беради ва унинг розилиги билан уни якуний идентификация қилишни қўриб чиқиши учун одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши кураш бўйича тегишли ҳудудий комиссияга юборади ёки керак бўлганда, ёрдам ва ҳимоя қилиш учун ихтисослашган муассасага юборади.

Якуний идентификация қилиш. Якуний идентификация қилиш ариза (хабар) берилган пайтдан бошлаб бир ой муддатда Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича ҳудудий комиссия томонидан коллегиал тартибда амалга оширилади.

Якуний идентификация қилишдан сўнг шахсни одам савдосидан жабрланган деб тан олиш ёки тан олишни рад этиш тўғрисида қарор қабул

қилинади. Одам савдосидан жабрланган деб топилган шахс ижтимоий реабилитация ва мослашиш хуқуқига эга.

4 §. ОДАМ САВДОСИДАН ЖАБРЛАНГАНЛАРНИ РЕАБИЛИТАЦИЯ ҚИЛИШ

Одам савдосидан жабрланганларга ёрдам.

Одам савдосидан жабрланганликда тахмин қилинган шахс вақтингчалик бошпана олиш, тиббий, психологик, хуқуқий ва бошқа зарур ёрдам олиш, шунингдек, бепул таржимон хизматларидан фойдаланиш хуқуқига эга.

Дастлабки аниқлаш вақтида ваколатли давлат органи мутахассиси одам савдосидан жабрланганга, агар одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинган деб тан олинса, қуйидаги хукуқлар кафолатланишини маълум қиласи:

- тиббий ёрдам олиш;
- психологик ёрдам олиш;
- юридик маслаҳат олиш;
- вақтингчалик турар жойдан (бошпана) фойдаланиш;
- яқин қариндошлар билан алоқа ўрнатиш;
- таржимон хизматларидан бепул фойдаланиш.

Шунингдек, одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши кураш бўйича ҳудудий комиссия томонидан одам савдосидан жабрланган деб тан олинган шахс ижтимоий реабилитация ва мослашиш хуқуқига эга. Ижтимоий реабилитация ва мослашиш ихтисослашган нодавлат ташкилотлари томонидан ҳам ташкил этилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида одам савдоси ва мажбурий меҳнатдан жабрланганларга ёрдам кўрсатувчи ташкилотлар рўйхати

№	Ташкилот номи	Боғланиш учун маълумот
1.	Республика «ISTIQBOLLI AVLOD» ижтимоий-ахборот маркази (худудий бўлимлари)	Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 8а-уй, тел: 254-12-87, 143-94-94, 99-858-12-24
2.	Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига касд қилишнинг олиш олиш республика маркази (худудий бўлимлари)	Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Дилхуш кўчаси, 38-уй. тел: 97-449-26-00

3.	Фуқаролик ташаббусларини қўллаб-куватлаш маркази	Тошкент шаҳри, Сағбон кўчаси, 223-а-уй, тел: 227-35-02, 333-51-85, 150-44-65
4.	Минтақавий таҳдидларни ўрганиш маркази	Тошкент шаҳри, Миробод тумани, С.Азимов кўчаси, 79-уй, тел: 90-994-72-30
5.	Сурхондарё вилояти «Барқарор ҳаёт» ижтимоий-маърифат маркази	Термиз шаҳар, А.Навоий кўчаси, 41с-уй, тел: 76-223-77-21, 90-918-08-20
6.	«Мехримиз сизга» аёллар ва оила аъзоларини ҳукуқий қўллаб-куватлаш маркази	Андижон шаҳри, Бобур шоҳ кўчаси, 32/34 уй, тел: 374 2353778, 91 6079559, halida05@gmail.com
7.	«Ойдин нур» оилани ижтимоий ҳимоялаш маркази Бухоро вилоят бўлими	Бухоро шаҳар, Руғангарон кўчаси, 31 уй, тел: (365) 223-58-58, 224-60-75, 224-65-11, (65) 471-77-52. mavluda@bukhara.uzsci.net, umka83@rambler.ru
8.	Фарғона вилояти «Қалб Нури» аёллар ва уларнинг оилаларини ижтимоий-ҳукуқий қўллаб-куватлаш маркази	Фарғона шаҳар, Курувчилик кўчаси, 4 уй, тел: 222-51-03, 222-59-16, (90) 582-04-77, 230-39-28. tuhdamira@mail.ru
9.	Жizzах вилояти «Istiqlol avlodи» ижтимоий-иктисодий, ҳукуқий қўллаб-куватлаш маркази	Жizzах шаҳри, Азизбекова кўчаси, 136-уй. тел: 91-595-32-86, 91-5648181
10.	Сирдарё вилояти «Юрт истиқболи» ижтимоий ахборот маркази	Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 95-уй, тел: 99- 010-63-15

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 5 ноябрдаги «Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш бўйича республика реабилитация марказини ташкил этиш тўғрисида»ги 240-сон қарорига асосан Марказ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги тизимида одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш бўйича реабилитация ташкилоти ҳисобланади.

Одам савдосидан жабрланганлар, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганлар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар бўлиши мумкин ҳамда улар Марказ хизматларидан фойдаланувчилар ҳисобланади.

Марказ ўз фаолиятини қуидаги асосий тамойиллар асосида амалга оширади:

одам савдосидан жабрланганларнинг, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганларнинг камситилишига йўл қўймаслик;

одам савдосидан жабрланганларнинг, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганларнинг шахси ва шахсий ҳаёти махфийлигига риоя қилиш;

одам савдосидан жабрланганларни, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганларни ижтимоий, психологик ва хуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳамда якка тартибда парвариш қилиш.

Қуидагилар Марказнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

одам савдосидан жабрланганларни, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганларни қулай яшаш ва шахсий гигиена шарт-шароитлари, шунингдек, озиқ-овқат, дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш;

одам савдосидан жабрланганларга, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганларни ижтимоий мослаштириш соҳасида хорижий мамлакатларнинг илғор методикаларини ўрганиш ҳамда амалиётга татбиқ этиш;

одам савдосидан жабрланганларни, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганларга уларнинг қизиқишиларидан келиб чиқиб касб-хунар ўргатиш, уларнинг бандлигини таъминлашга қўмаклашиш;

нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари билан биргаликда кенг миқёсда олдини олиш-профилактика ишларини ташкил қилиш;

одам савдосидан жабрланганларни, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганларни ижтимоий реабилитация қилишда қўмаклашиш.

Марказ зиммасига юклangan асосий вазифаларига мувофик қуидаги функцияларни бажаради:

а) одам савдосидан жабрланганларни, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганларни қулай яшаш ва шахсий гигиена шарт-шароитлари, шунингдек, озиқ-овқат, дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш соҳасида:

яшаш учун бошпана билан таъминлайди;

белгилangan тартибда ва меъёрларга мувофик озиқ-овқат билан таъминлайди;

белгиланган тартибда тиббий ёрдам ва тиббий буюмлар билан таъминлайди;

б) одам савдосидан жабрланганларни, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганларни ижтимоий мослаштириши соҳасида хорижий мамлакатларнинг илғор методикаларини ўрганиши ҳамда амалийтга татбиқ этиши соҳасида:

тиббий, ижтимоий реабилитация килишнинг янги услугуб ва механизмларини ишлаб чиқади ва татбиқ қиласди;

ишлаб чиқилган услугуб ва механизмларини хорижий мамлакатларнинг илғор методикалари асосида доимий равища янгилайди;

в) одам савдосидан жабрланганларни, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганларга уларнинг қизиқишиларидан келиб чиқиб касбхунар ўргатиши, бандлигини таъминлашига кўмаклашии соҳасида:

одам савдосидан жабрланганларнинг, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганларнинг ижтимоий реабилитациясига ва мослашувига кўмаклашади;

касбга ўргатиш ва уларнинг бандлигини таъминлашни ташкиллаштиради;

г) нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари билан биргаликда кенг миқёсда олдини олиш-профилактика ишларини ташкил қилиши соҳасида:

оммавий ахборот воситалари билан биргаликда кенг миқёсда олдини олиш-профилактика ишларини ташкил қиласди;

нодавлат нотижорат ташкилотлари билан биргаликда одам савдосидан жабрланганларни, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

д) одам савдосидан жабрланганларни, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганларни ижтимоий реабилитация қилишида кўмаклашии соҳасида:

одам савдосидан жабрланганларнинг, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганларнинг хавфсизлигини таъминлайди;

одам савдосидан жабрланганларнинг, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганларнинг қариндошлари билан мулоқот ўрнатишига кўмаклашади;

одам савдосидан жабрланганларга, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганларга уларнинг қариндошларига ва васийларига одам савдосидан жабрланганларга, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари тўғрисида ахборот беради.

Одам савдосидан жабрланганлар, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганлар Марказда ўттиз **кунгача** муддатга жойлаштирилади. Тиббий, ижтимоий ва касбий реабилитация жараёнлари давом эттирилиши талаб этилган ҳолларда одам савдосидан жабрланганларнинг, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганларнинг Марказда бўлиши муддати **уч ойгача** муддатга узайтирилиши мумкин. Агар одам савдосидан жабрланганларнинг, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф туғилса яшаш муддати кўрсатиб ўтилган жабрдийдаларни ҳимоя қилиш учун зарур деб ҳисобланган даврга узайтирилади.

Марказ одам савдосидан жабрланганларга, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганларга:

самарали ижтимоий реабилитация қилинишига кўмаклашади;

ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари тўғрисида ахборот тақдим этади;

хавфсизлигини таъминлайди;

овқатланиш, дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлайди;

кулай яшаш шароитлари ва шахсий гигиена воситалари билан таъминлайди;

қариндошлари билан алоқа ўрнатишга кўмаклашади;

одам савдоси жабрдийдалари ижтимоий реабилитация қилинишига кўмаклашади.

Одам савдосининг ҳар бир жабрдийдасига унинг соғлиги ҳолатини комплекс текшириб чиқиш ва баҳолаш натижалари, ижтимоий, психологик, юридик ва бошқа ёрдам зарурлиги юзасидан ишлаб чиқиладиган шахсий реабилитация қилиш режаси асосида ёрдам кўрсатилади. Ҳар бир одам савдосидан жабрланганларнинг, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганларининг шахсий реабилитация қилиш режасининг намунавий шакли Марказ томонидан ишлаб чиқилади ҳамда Агентлик томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Агентликнинг ҳудудий органлари ҳамда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари Марказнинг буюртманомалари бўйича одам савдосидан жабрланганларга, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганларга:

хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилувчи мавжуд суд тартиб-қоидалари ва маъмурий тартиб-қоидалар тўғрисида мақбул шаклдаги ахборотни тақдим этадилар ва бошқа зарур юридик ёрдамни кўрсатадилар;

унинг фарзандлари таълим муассасаларига қатнашини учун зарур шароитларни таъминлайдилар;

тиббий кўрикдан ўтиш ва мутахассис томонидан кўрик ўтказилиб, маслаҳат олиш орқали малакали психологик ва тиббий ёрдам берадилар;

профессионал жиҳатдан реабилитация қилинишда ва ишга жойлашишда кўмаклашадилар.

Одам савдосидан жабрланганлар, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганлар қайтарилган оила устидан, уларга нисбатан одам савдоси такорран содир этилишининг олдини олиш мақсадида, бир йил мобайнида мониторинг олиб борилиши керак. Мониторинг доирасида Марказ

ички ишлар органлари ҳамда васийлик ва ҳомийлик органлари мутахассислари томонидан шахс қайтгандан кейин унинг оиласындағы қолати бағоланади.

ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 8 декабрдаги Конституцияси (2023 йил 1 майдаги ўзгартириш ва қўшимчалар билан).
2. Қуллик тўғрисидаги конвенция (1926).
3. Зўраки ёки мажбурий меҳнат тўғрисидаги конвенция (1930).
4. Одам савдосига ва учинчи шахслар томонидан танфурушиликдан фойда-ланилишига қарши курашиш тўғрисидаги Конвенция (1949).
5. Мажбурий меҳнатни тугатиш тўғрисидаги конвенция (1957).
6. Бола хуқуқлари тўғрисидаги конвенция (1989).
7. 1993 йил 22 январдаги «Фуқаролик, оиласий ва жиноят ишлари бўйича хуқуқий ёрдам ҳамда хуқуқий муносабатлар тўғрисида»ги Конвенция.
8. Болалар меҳнатининг энг ёмон шаклларини тақиқлаш ва уларни тугатиш бўйича тезлик билан чора-тадбирлар кўриш тўғрисидаги конвенция (1999).
9. БМТнинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенцияси (2000).
10. Уй ишчилари муносиб меҳнати тўғрисидаги конвенцияси (2011 йил № 189)
 11. Болалар савдоси, болалар фоҳишабозлиги ва болалар порнографиясига таалуқли БМТнинг Бола хуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг факултатив протоколи (2000).
 12. Қуллик тўғрисидаги конвенцияга ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги протокол (1926).
 13. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясини (2000 й.), тўлдирувчи Одам савдосининг, айниқса аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақидаги протокол.
 14. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясини тўлдирувчи, қуруқлик, денгиз ва ҳаво йўллари орқали мигрантларнинг ноқонуний олиб кирилишига қарши протоколи (2000 йил).
 15. 1930 йилдаги Мажбурий меҳнат тўғрисидаги конвенцияга 2014 йил протоколи.

16. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси, Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрдаги 2012-XII-сон Қонуни билан тасдиқланган (2023 йил 31 октябрдаги ўзгартириш ва қўшимчалар).

17. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси, Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрдаги 2013-XII-сон Қонуни (2023 йил 27 сентябрдаги ўзгартириш ва қўшимчалар) билан тасдиқланган.

18. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 16 сентябрдаги Қонуни. «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ЎРҚ-179-сон.

19. «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 17 августдаги ЎРҚ-633-сонли Қонуни.

20. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 8 февралдаги 60-сон «Одам савдосидан жабрланганлар ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни миллий даражадаги қайта йўналтириш тизимини тасдиқлаш» тўғрисидаги қарори.

21. Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли «Судлар томонидан жиноият учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги қарори.

22. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2009 йил 24 ноябрдаги 12-сонли «Одам савдосига оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори.

23. БМТ, Барқарор ривожланиш соҳасидаги мақсадлар. Қуйидаги ҳавола орқали кўриш мумкин <https://www.un.org/sustainabledevelopment/ru/sustainable-development-goals/>.

24. EXXT, Одам савдосининг бизнес модели сифатида таҳлили: жиноятчиликнинг янада самарали олдини олиш йўли (2011).

25. ИҲОКБ, Инсон ҳуқуқлари ва одам савдоси бўйича тавсия этилган тамойиллар ва йўриқномалар (2002).

26. Одам савдосига доир ишларни тергов қилиш ва судда кўриб чиқиш бўйича амалий қўлланма [Матн]/ муҳаррир З. Курратов. - Тошкент: “Baktria press”, 2024. - 140 б.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
1 §. ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ.....	4
2 §. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИНГ ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТҮФРИСИДАГИ МИЛЛИЙ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИ.....	16
3 §. ОДАМ САВДОСИДАН ЖАБРЛАНГАНЛАРНИ ИДЕНТИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ.....	27
4 §. ОДАМ САВДОСИДАН ЖАБРЛАНГАНЛАРНИ РЕАБИЛИТАЦИЯ ҚИЛИШ	42
ФОЙДАЛАНИЛГАН	49
ДАБИЁТЛАР.....	

РАСУЛЕВ УЛУГБЕК ЭРКИНОВИЧ

ОДАМ САВДОСИДАН ЖАБРЛАНГАНЛАРНИ ИДЕНТИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ

Амалий құлланма

*(ИИОда одам савдосига қарши кураш фаолиятини амалга
оширувчи ходимлар учун методик тавсиялар)*

Босишга рухсат этилди ____ 2025 й. Нашриёт ҳисоб табоғи 4,3.
Буюртма №..... Адади ____ нұсха.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти,
100213. Тошкент шахри, Бектемир тумани, Х.Байқаро кўчаси, 27а уй.